O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **1** сентябрь, жума № **35** (2162).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **1** сентября, **2006** год, № **35** (2162).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена свободная

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очиқ ва равшан – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли ватандошлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз сана – Ватанимизнинг Мустақиллик куни, истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган Мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва ишонч билан нишонлар эканмиз, тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида рўёбга чиқарган орзу-умидларимиз, амалга оширган ишларимизни баҳолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эришмоқчимиз, деган саволларни қўйишимиз табиийдир.

Мустақиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши:

– Ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган қадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг мўътабар номларини жой-жойига қўйиш;

– миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Иқтисодий ҳаётимизда:

– собиқ марказдан туриб режалаштирилган эскича тақсимлаш тизимидан, бирёқлама ривожланган иқтисодиётдан воз кечиш;

– бутунлай янгича, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, таркибий ўзгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мақсадлари сари, хусусий мулкнинг мавқеини оширишга қаратилган қатъий ислоҳотларни олиб бориш;

– энергетика ва ёқилғи масаласида, аҳолимизни ғалла, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида мустақилликка эришиш;

– кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини устувор даражага кўтариш, давлат ва жамият томонидан уларни ҳимоя қилиб, барча ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб турибди.

Бундай чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари охирги беш-олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, ҳаётимиз даражасини оширишга мустаҳкам замин барпо этмоқда.

Юртдошларимизда эгалик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмоқда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлигини энг юксак қадрият ва бойлик деб англаш, шу бойликни асраш, ҳимоялаш ва жамиятимиз ҳаётида энг устувор ўринга кўтаришдай эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни айнан шу мақсадларга бўйсундиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз амалий натижаларини тобора кўпроқ намоён этмоқда ва халқаро майдонда тан олинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажагини ўйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсадларимизни кўзлаб, халқимиз ҳаётида меҳр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизда амалга оширилаётган эзгу тадбир ва дастурларимиз аҳолимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътиқодига кўрсатаётган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ижобий таъсирини ҳар қадамда кўриб-сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак қадрлаймиз.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, қолаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари – узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими – бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда.

Ва уларнинг келажагимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида – буни барчангизнинг олдингизда, сизлар орқали бутун халқимиз олдида ҳисобот тариқасида айтмоқчиман – мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор – қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай тўфонли ва суронли кунларни бошимиздан ўтказган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз ватандошларим!

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очиқ ва равшан – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш.

Халқимизнинг асрлар давомида орзиқиб кутган ва интилиб яшаган мана шундай эзгу мақсадларидан, ўзини ҳар томонлама оқлаган истиқлол йўлидан бизни оздириб, ортга қайтармоқчи, таҳлика ва таҳдид етказмоқчи бўлган куч ва ҳаракатларга – булар Ватанимизни кўра олмайдиган ғанимларимиз, қўпорувчи ва тажовузкор кучлар бўладими, бизга тазйиқ, зўравонлик кўрсатиб, ички ишларимизга аралашишга, қандай яшашни ўргатишга қаратилган уринишлар бўладими, экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларни остонамизга олиб келишга уринаётган кимсалар бўладими – қандай шакл ва ниқобни юзига тортмасин, уларнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номаъқул интилишлар, қўпорувчилик ва ёвуз ҳаракатлардан қайтинглар – ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бунинг исботи – биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуғ олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуғ соҳибқирон ва саркардалар.

Бунинг замини – кўпни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бугун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечираётган бунёдкор халқимиздир.

Бунинг мезони – тинчлигимиз ва хавфсизлик ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидоийлик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришга қодир бўлган Қуролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиғи – билаги, бели бақувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, мананам деганлар билан ҳам беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиздир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Бугун, мана шу шукуҳли айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда кўп-кўп қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам шу фикрга қўшиласиз.

Бугун ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввалambор, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуғ, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Табаррук отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз кўрки бўлган меҳрибон ва мунис аёлларимизга, навқирон ёшларимизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Оллоҳ назари тушган юртимизни ёмон кўзлардан Ўзи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ОЗОДЛИКНИНГ АСЛ ШАЙДОСИ

Жалолиддин Мангубердининг парокандаликка юз тутган элни бирлаштириб, курраи заминга даҳшат солган Чингизхон босқинига қарши мардона кураши ва мисли сиз жасоратида кўҳна юртимиз ва эрксевар халқимизнинг маънавий қиёфаси ўз аксини топган.

Бор-йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу баҳодир зотнинг мўътабар номи ўз замонасида дунё бўйлаб қанчалар довруқ таратган бўлса, орадан кўп-кўп асрлар ўттач ҳам мардлик ва озодлик учун кураш, эл-юртга фидойилик тимсоли сифатида яшаб келмоқда. Унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Ислом КАРИМОВ.

Тақдир эндигина йигирма бир ёшга кирган шаҳзода Жалолиддин Мангубердини кутилмаганда улкан синовларга дучор қилди. Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан то Ҳиндикуш тоғларигача етган улкан салтанат ўт-олов ичида қолганда, гуллаб-яшнаб турган қадимий ўлка вайронага айланганда отаси султон Алоуддин Муҳаммадхоразмшоҳ ўлими олдидан ўғилларини чақириб шундай васият қилди: «Салтанат ришталари узилиб, давлат асослари бўшашди ва қулади. Ғанимнинг мақсади аён: у тирноқлари ва тишлари билан мамлакатга чанг солган.

(Давоми 6-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Мустақиллик, Ўзбекистон Республикаси олдига муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа – янги давлатчилик ва уни амалга оширишнинг бош ва асосий тамойилларини аниқлаб олиш масаласини қўйди. Энг олий мақсад сифатида демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг асосини белгилаб берди. Чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ўзаро яқин алоқада бўлган ва бир-бири билан узвий боғланган давлат ҳокимияти органлари, бошқаруви ҳамда фуқароларнинг турли-туман манфаатларини ўзида ифодалаган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборатдир. Жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун унинг ҳар бир аъзоси мазкур жараёнда фаол иштирок этиши, қолаверса меҳнатга ижодий ёндошиши, ишлаб чиқаришни мукаммал ташкил этиши, замонавий илғор тажрибалардан бохабар бўлиб, уларни қўллаган ҳолда ўз фаолиятини юритиши лозимдир. Фақат шундагина ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этилишида демократик тамойиллар юзага чиқади.

(Давоми 6-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

КОСТИН Николай Васильевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

РАХМАТОВ Камолитдин Каримович –Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси.

(Давоми 8-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Қ А Р О Р И

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1.Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2.Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006-йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2006 йил 4 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

3 МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА
ЮРТДА БАЙРАМ ШУКУҲИ КЕЗАР

5 ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД
САДОҚАТ ЖЎШ УРСА ҚАЛБЛАРДА


8 ПОЧТИ РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ
ДВОЙНОЙ ПРАЗДНИК СЕМЬИ ПЯТКОВЫХ

11 БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ
«НИҲОЛ»НИНГ ДУРКУН НИҲОЛЛАРИ

ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ВАТАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами – истиқлолимизнинг қутлуғ ўн беш йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Аждодларимизнинг асрий орзулари амалга ошган мазкур кун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Ўн беш йил. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.

Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритилган буюк тарихий ютуғидир. Ўн беш йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аввало, миллатимиз, халқимиз шаъни, ор-номуси, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Кишиларимиз онги, тафаккури янгиланди. Юртдошларимиз онгу шуурида эртанги кунга юксак ишонч қарор топди, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси, бунёдкорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари кучайди.

Ўзбекистон қисқа вақтда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. 1992 йилда республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Кейинчалик бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотларга қўшилиб, ўзининг мустаҳкам, изчил мавқеини эгаллаб келмоқда. Давлатимизни дунёнинг 165 давлати тан олгани, 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилгани ҳам унинг дунёда ўз айтар сўзи борлигидан далолатдир. Жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон билан ҳисоблашаётганини пойтахтимизда қирқдан зиёд элчихонанинг фаолият кўрсатаётгани, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб тургани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимиз БМТ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли, узоқ муддатли алоқалар ўрнатган ҳамкорлари бисёр. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни тамомила янги босқичга кўтарди. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми – суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос бўлган ярашув институти жорий этилди. Ўтган йилларда жиноят қонунчилигидаги ўлим жазоси билан боғлиқ жараён босқичма-босқич ислоҳ қилинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ўта оғир 33 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, бу моддалар йил сайин қисқариб, 2003 йилда фақат иккита модда қолди. Вояга етмаганларга, аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан бундай жазони қўллаш тақиқланди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил амалда ўз ифодасини топди. Ижтимоий ҳаётимизда давлатимиз ва жамиятимиз эътиборини муайян масалага кучайтириш мақсадида ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъанага айланди. Юртбошимиз ташаббуси билан дастлаб 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниши Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни, шулар билан биргаликда миллий қадриятларимиз ва ғуруримизни қайта тиклаш имконини берди. Бир-бири билан мантиқан боғланган Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват, Сиҳат-саломатлик йиллари замирида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат эътиборидан четда қолмаслигига эришиш, баркамол авлодни вояга етказиш ва юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни улуғлаш, юрт фарзандлари ва миллат оналарини соғ-саломат кўришдек хайрли мақсадлар мужассамдир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш, саховатли бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги билан боғлиқ халқимизнинг азалий фазилат ва қадриятларини ривож топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳаётимиз посбонлари – шифокорлар фаолиятига эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил амалий ишлар бажарилмоқда...

2006 йил, 31 август. Ватанимиз пойтахти Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 19.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Юртбошимизни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантанасидаги

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 30 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳсули сифатида сўнгги йилларда юртимизда дунёнинг турли нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қатор олий таълим муассасалари ташкил этилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида улар сафига М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2005 йил 14 ноябрь куни Москвада Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми бўлган бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни олий даражага кўтарди.

Кремлда ўтган ана шу тарихий учрашувда Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалининг очилиши маълум қилинган эди. 2006 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. МДУ филиалининг биноси Тошкент марказидаги Мовароуннаҳр кўчасида қад ростлади. Қурилиш ишлари «ЎзЛИТТИ» ёпиқ акционерлик жамияти томонидан бажарилди.

30 август куни МДУнинг Тошкент филиалига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бу муҳташам бино ён-атрофдаги иншоотлар билан ягона меъморий ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади.

Филиал МДУнинг ажралмас қисми бўлиб, турли соҳада малакали мутахассислар, жумладан, илмий-педагогик кадрлар етиштириб беради. Абитуриентларни қабул қилиш ва битирув имтиҳонлари МДУ томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Июлнинг биринчи ўн кунлигида мазкур олий ўқув даргоҳига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мингга яқин абитуриент саксон ўрин учун ўзаро беллашди. Янги ўқув йилида унинг илк талабалари икки йўналишда - амалий математика ва информатика ҳамда психология бўйича таҳсил олишни бошлайди.

Бу ерда ўттиздан зиёд аудитория, кўплаб лабораториялар, корпоратив тармоқли компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, кўпайтириш-нашр этиш бўлими, спорт мажмуи, хуллас, барча шароит мавжуд. Филиал зарур ўқув қўлланмалари, адабиётлар билан таъминланган.

Президентимиз филиал раҳбарияти ва талабалар билан суҳбат чоғида ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалий математика ва психология соҳаси мутахассисларига эҳтиёж борлигини таъкидлади.

– Ушбу филиал мамлакатимизнинг Россия билан иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, – деди Ислом Каримов. – Россиядан йирик олимлар келиб дарс беради. Бу эса илмий-академик доираларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ислом Каримов талабаларнинг ўқиш, машғулотларга тайёрланиш, яшаш шароитлари билан танишди. Компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, конференциялар залини кўздан кечирди.

Талабалар МДУ филиали Ўзбекистон ёшлари учун катта совға бўлганини таъкидладилар. Ёшлар таълим-тарбиясига бераётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бош майдони улкан меъморий ансамблга айланди, Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси сингари асрлар силсиласига бардош бера оладиган бунёдкорлик намуналари яратилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилинди.

Фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бири сифатида абадиятга муҳрланди.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали Эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини уйғунликда ифодалаган бу ёдгорлик, Юртбошимиз таклифига кўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталди.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий тавсифга мақомини олди. Келин-куёвларнинг янги ҳаётга қадам қўйиш олдидан бу ёдгорликни зиёрат қилиши ҳам анъанага айланди. Азиз ва мўътабар меҳмонларимиз ана шу масканни чуқур эҳтиром билан зиёрат қиладилар.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги янги иншоотлар билан танишишни маъмурий бинодан бошлади.

Мустақиллик майдонига файз бағишлаб турган мазкур бино улкан бунёдкорлик ишларининг ҳосиласидир. 14 қаватдан иборат кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли муҳташам иморат бир-бирига уйғун ягона мажмуага айланган.

Давлатимиз раҳбари бино билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган муҳандислар ва қурувчиларнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди.

– Бу муҳташам бино Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдиради, – деди Юртбошимиз. – Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасида фавворалар барпо этиш амалиёти мустақиллик даври меъморчилигининг узвий қисми сифатида муҳим ўрин тутади.

Олдинги фавворанинг истиқлол йилларида Мустақиллик майдонида юксак дид билан бунёд этилган меъморий обидалар қуршовида бугунги илғор технология даври талабларига жавоб бермаслиги аёнлашиб қолган эди. Жорий йилнинг апрель ойида бошланиб, яқинда ниҳоясига етган қурилиш-реконструкция ишлари туфайли замонавий фавворалар мажмуи юзага келди. Маъмурий бинонинг икки тарафидаги фавворалар тўла реконструкция қилинди. Хотира майдонига туташ жойда эса қўшимча равишда қурилган узунлиги 88 ва эни 35 метрлик янги фонтан ҳам кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир улкан ҳосиласи – Бизнес марказидир. Мазкур иншоот Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлади.

Президентимиз тавсиясига кўра, бу ерда 2004 йилдан Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказини барпо этиш ишлари бошланган эди. Бир ярим йил ичида бунёд этилган 14 қаватли иншоот қурилишида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари билан бирга, хорижий мамлакатларда тайёрланган ноёб материаллар, жиҳоз ва ускуналар ҳам ишлатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, девор сиртини қоплашда оқ сунъий тош - «сатил» қўлланилгани бинога кўркам қиёфа ва салобат бағишлади.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатини юқори баҳолади.

– Мазкур марказнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга, юртимизга хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этиб, улар билан манфаатли мулоқотлар ташкил этишга хизмат қилади, – деди Президентимиз. – Айни пайтда бу бино ўзининг бетакрор қиёфаси билан Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдиради, кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади.

Ҳа, изчил юксалиш йўлидан бораётган, осмони мусаффо, бунёдкор халқ мана шундай улуғвор биноларни, бетакрор майдонларни, гўзал фавворалари қуриши мумкин.

Анвар БОБОЕВ,
Ғулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА

Истиқлол туфайли миллатимиз, халқимиз шаъни, ор-номуси, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, эл-юртимизнинг суюкли фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай хайрли ва савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг кенг нишонланиши олдидан бугунги дориломон кунларга етишишимизга сабабчи бўлган, юрт мустақиллиги, Ватан тараққиёти йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

... 31 август. Тонг.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Зеро, улуғ байрамимиз нишонланаётган шукуҳли кунларда шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизни қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди. Бу ерда эл-юрт эъзозидаги кекса авлод вакиллари, илм-маърифат аҳли – зиёлилар, ҳукумат аъзолари ҳозир бўлишди.

Атрофга миллий мумтоз мусиқа садолари таралади. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги саккиз устунли улкан айвоннинг мовий гумбазида қуёш нурлари жилваланади. Ложувард гумбаз остидаги зарҳал ҳарфлар билан битилган "Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир!" сўзлари мунаввар тонг шуъласидан янада нурафшон тортади. Мустабид тузум йилларидаги машъум қатлларга гувоҳ бўлган Бўзсув эзгулик ва адолатнинг боқийлигидан сўзлаётгандек...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

– Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, – деди Юртбошимиз. – Мустабид тузум қурбонларига кўрсатилган бундай эҳтиром кишилардаги "дунёда адолат бор, у эртами-кеч, албатта, юзага чиқади" деган юксак ишончни мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу дунёнинг ўткинчилиги, аммо эзгулик, инсон хотираси абадий эканини ҳар бир кишига, айниқса, ёшларимизга доимо англатиб туради.

Ҳар қандай обида унга ташриф буюрган, шу аснода ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топган кишилар билан серфайз. Кишилар қадам босмайдиган ёхуд зарурат юзасидангина бирров йўқлаб қўйиладиган манзилларни том маънода обод гўша дейиш қийин. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини тўлақонли маънавий-маърифий масканга айлантириш учун уни кўпроқ тарғиб ва ташвиқ этиш зарур. Токи, унинг довруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилсин, бу табаррук мажмуага қалб амри билан ташриф буюрадиган кишилар янада кўпайсин.

Инсондан нима қолади? Албатта, унинг қилган эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари қолади. Бунга XX аср бошида халқимиз орасидан етишиб чиққан Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек сингари кўплаб маърифатпарвар боболаримизнинг курашчан ҳаёти ва фаолияти ёрқин мисол. Уларнинг Ватанни озод кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда.

Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва халқига садоқат сингари муқаддас тушунчаларни бугунги ёш авлод онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Негаки, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунёқараши кенг, ҳар жиҳатдан билимдон, зукко ва ҳамиша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти мужассам. Муҳими, юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашда ўзини бурчли деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Демак, мустақиллигимиз абадийдир.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбири.

Мудофаа вазирлигида

ЮРТДА БАЙРАМ ШУКУҲИ КЕЗАР

Мустақиллик... Унда асрий орзу-умидларимиз мужассам. Унда боболарнинг, момоларнинг бўзлаб қолган армонлари бор. Эркнинг, озодликнинг туғини баланд кўтарган марду майдонларнинг жасорати бор. Шул сабабдан ҳам биз учун шунчалар қадрли, шунчалар азиз.



Мустақиллик ўз қадр-қимматимизни, ўз маданиятимиз ва анъаналаримизни, дину эътиқодимиз, маънавиятимизни қайта тиклашга, миллий ғурур ва миллий тафаккурнинг шаклланишига, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга, янгича фикрлашга, янгича ишлашга имкон берди. Шул учун ҳам у биз учун энг улуғ, энг ардоқли.

Истиқлол халқимизнинг бунёдкорлигидан ранг олиб, улуғвор ишларга руҳлантирмоқда. Халқимизнинг яратиш, яшнатиш завқи билан яшаётгани ана шундан. Айниқса, мустақиллигимизнинг 15 йиллик тантаналари зўр шодиёна билан нишонланаётган шу кунларда буни янада яққол ҳис қиласиз. Танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимиздан дадил одимлаётганимизга амин бўласиз.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйига бағишлаб Мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган тантанани кузатар эканман, шулар хаёлимдан кечди.

Тантанада Мудофаа вазири Р.Мирзаев сўзга чиқар экан, жумладан шундай деди: «Халқимиз энг шонли, энг улуғ сана бўлган мустақилликнинг 15 йиллик тўйини кенг тантана қилмоқда. Ўн беш йил аслида тарих учун қисқагина фурсат. Ана шу қисқа фурсат ичида мамлакатимизда асрларга татигулик ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан қадамлар ташланди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларда, миллий хавфсизликни мустаҳкамлашда, бир сўз билан айтганда халқ фаровонлиги, юрт равнақини таъмин этишда сиз ҳарбийларнинг ҳам хизматингиз беқиёс. Бугунги тантанада сизларнинг муносиб хизматларингизни рағбатлантириш, тақдирлаш мен учун улкан шарафдир. Ишонаманки, Ватанимиз ҳимоячилари жанговар шайликларини янада оширишиб, истиқлолни мустаҳкамлашдек улуғвор ишда мардонавор хизмат қилаверишади».

Шундан сўнг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланишди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан эълон қилган буйруғини Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов ўқиб, эшиттирди. Тақдирланганлар сафида ҳамкасбларимиз лейтенант Шуҳрат Саъдуллаев, Қуролли Кучлар хизматчилари Сергей Будаев, Роберт Ислакаевларнинг борлиги айниқса қувонарли.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизга ҳарбий спортчиларимиз муносиб совға ҳозирлашганини газетхонларимиз яхши билишади. Яъни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ҳарбийлар ўртасида «ЮНИФАЙТ» спорти бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз армиячилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни забт этишганини назарда тутяпмиз. Бўлиб ўтган тантанада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган, демакки, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатаётган ҳарбий спортчиларимизга Мудофаа вазирининг қимматбаҳо совғалари, эсдалик нишонлари топширилди.

Маълумки, мустақиллигимизга, бу қутлуғ неъмат туфайли эришаётган улкан ютуқларимизга кўз олайтирувчи ғаламислар топилади. Ватанимиз ҳимоячилари ўзларининг сергакликлари, ҳушёрликлари, жанговар шайликлари билан бундайларга муносиб зарба беришмоқда. Ватанни, истиқлолни ҳимоялашда ана шундайин мардлик намуналарини кўрсатишаётган бир гуруҳ ҳарбийлар Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра муносиб рағбатлантирилди.

Қутлуғ айёмга бағишланган тантанага Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамблининг куй-қўшиқлари ўзгача тароват бахш этди.

Асрий орзу-умидларимизни рўёбга чиқарган, мустақил тараққиётимиз сари чексиз имкониятларни, нурли истиқбол эшигини очиб берган, бир сўз билан айтганда, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишга имкон берган бу қутлуғ сана юракларимизни ана шундайин ҳаяжонга солади, дилларга шукуҳ олиб киради.

Ўз мухбиримиз.

ОБОД ЭЛГА БАЙРАМ ЯРАШАР

Мустақиллик даврида инсон омилига муносабат ўзгарди. Бугун миллат эъзоз топмоқда, халқимиз ва унинг авлодлари учун озод ва обод келажакни барпо этиш — мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсадига айланди.
Жонажон Тошкентимизнинг қиёфасини гўзаллаштириш, ободонлаштириш ва фаровонлаштиришга қаратилган ишлардан мақсад — халқимизни муносиб ҳаёт шароитига эриштириш, унинг иззатини жойига қўйиш, турмушига файз ва тароват бағишлашдан иборат.

Мустақиллик элни эъзозлабгина қолмасдан, бунёдкор халқнинг бор орзу-интилишлари, миллий салоҳияти, имкониятларига кенг йўл очди. Халқимизнинг азалий урф-одатларини қайтадан уйғотиб, равнақ топишига шароит яратди. Халқимизнинг азалий одатларидан бири эса, ўз яшаш жойини, гузари, маҳалласи, юртини пок, ораста ва обод тутиш, яшнатиш, бунёд этишга интилишдир. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ибораси билан айтганда, «Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса-да, дарахт кўкартиради». 1998 йилда, тарихчи олимлар билан суҳбат чоғида айтилган бу фикр кўҳна тарихнинг кўпдан-кўп синовларидан ўтган ноёб ҳақиқатдир.

Халқимиз ободликни севади. Сарсаҳоват, серқуёш ўлкамиз яшиллик оламига бой.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита иштирокида қайтадан яратилган Мустақиллик майдони Тошкентимизнинг улкан меъморий ансамблига уйғунлашиб кетган ажиб иншоотлар сирасига киради. «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб номланган Ўзбекнинг энг азиз ва жозибадор гўшасига айланган маскан бугун меҳмонлар билан гавжум. Зеро, ҳар бир қалбнинг эзгуликка интилиши табиий.

Пойтахтимизда замонавий янги корхоналар, ижтимоий иншоотлар, дицей ва коллежлар, мактаблар, шифохоналар, қулай йўллар, кўприклар ва хиёбонлар кўпайгандан кўпайиб бораётганлиги халқимизга кўтаринки кайфият бағишлаётир.

Самарқанд дарвоза маҳалласида 14-оилавий поликлиника, Шимолий вокзалнинг янги қиёфаси, мустақиллигимизнинг 14-йиллигига туҳфа бўлган Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган ушбу мураккаб транспорт ечими билан боғлиқ яна бир хайрли ишга қўл урилди. Йўл ўтказгич катта ўзбек тракти билан боғланди.

Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли билан Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси кесишадиган жойда улкан йўл ўтказгич қурилиши якунига етай деб қолди. Эни 30, узунлиги 374 метрни ташкил этадиган мазкур иншоотни «Автомагистраль» махсус йўллари қуриш ва таъмирлаш бирлашмасига қарашли «Йўл-кўприк қуриш ва фойдаланиш бошқармаси» ишчилари барпо этмоқда. Кўприк ҳадемай Мустақиллик байрамига туҳфа ўрнида фойдаланишга топширилади.

Бугун кўз ўнгимизда пойтахтимиз кун сайин яшариб, яшнаб бораяпти. Мустақиллик байрами арафасида халқимизга тортиқ қилинадиган янгидан-янги иншоотларнинг салмоғи ортмоқда.

Инсонни, халқни ўзига хос миллий маънавияти, дунёқараши бошқаради. Пойтахтимиз бағрида сўнгги бир йил ичида қад ростлаган замонавий корхоналар, аҳоли учун тураржой бинолари барпо этилиб, уларнинг ҳаёт тарзини янада файзли, кўркам ва тароватли бўлишига сабаб бўлмоқда. Тошкентнинг ўзига хос тарзда ўзгариб бораётган гўзал қиёфаси бугун хорижликларни ҳам лол этиб келаётганидан кўксимиз ифтихорга тўлади.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

ИНОЯТОВ Рустам Расулевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси;

ҚОДИРОВ Рашитжон Ҳамидович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

ОРТИҚОВА Светлана Боймирзаевна – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи;

ҒАФУРОВ Хасан Тохирович – Қашқадарё вилояти Қарши тумани давлат солиқ инспекциясининг катта инспектори;

ИМОМБОЕВ Наримон Анварович – Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Божхона назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи;

МУСТАФОЕВ Бўритош – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири;

УСМОНОВ Ахмад Тугилович – Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи;

ШОДМОНОВ Фахриддин Қошқар ўғли – Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси.

I даражали «Шон-шараф» ордени билан

ПРОЦЕНКО Сергей Николаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари.

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

АБДИЕВ Хайдар Норказакович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири;

АЗИМОВ Шухрат Маратович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

АМЕРЖАНОВ Алем Толеуханович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармаси бошлиғи;

АНАРБАЕВ Александр Зайнитдинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисм штаб бошлиғининг ўринбосари;

Ғуломов Шухрат Тўражонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ЖАМОЛОВ Бахтиёр Ўроқович – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари;

ҚУРБОНОВ Ахмат Ахтамович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

КУРГАНБАЕВ Аваз Анварович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

МЕЩЕРЯКОВ Дмитрий Александрович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

МИРЗАЕВ Руслан Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири;

НАСРИДДИНОВ Алишер Жалолович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили;

НИКИШИН Геннадий Федорович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғи;

ЯРБАБАЕВ Акбар Нигматуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармаси бошлиғи.

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

СЛИЗКИЙ Борис Евгеньевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош травматологи – травматология бўлинмаси бошлиғи.

"Дўстлик" ордени билан

БАБАДЖАНОВА Гавхар Дурдиевна – Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ёрдамчиси;

ЖУМАНАЗАРОВ Икласбай Аитореевич – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туман суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси;

КИМ Александр Геннадьевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қурилиш-монтаж участкаси бошлиғи;

ПЛЕНКОВ Борис Леонидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпуси штаби бошлиғининг ўринбосари – бўлим бошлиғи;

ШЕВАЛДИНА Ирина Нариманович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

«Жасорат» медали билан

АБДУЛЛАЕВ Акмал Абдухашимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

АБДУРАХМАНОВ Абдусатор Эгамбердиевич – Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг милиционер-ҳайдовчиси;

АВАЗОВ Темир Тожимуратович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости секцияси командири;

АКБАРОВ Рустам Сайфуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси хизмати бошлиғи;

АЛИМУХАМЕДОВ Руслан Ибрагимович – Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили;

АСЛАНОВ Шокир Рўзибаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири;

АШУРОВ Рустам Хушбакович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

АШУРОВ Ўктам Ўткирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

БЕКТЕМИРОВ Шукрулла Хабибуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

БОБОҚУЛОВ Музаффар Хурсанович – Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг милиционери;

БОЛТАБОЕВ Комилжон Ахунжанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони гранатомётчиси;

ВОҲИДОВ Нажмиддин Соткинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири;

ҒИЁСОВ Кудратилло Мирзакалонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи;

ЖАББОРОВ Баҳодир Нормуратович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари;

ДЖЕППАРОВ Дмитрий Викторович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг взводи командирининг оператив ишлар бўйича ўринбосари;

ДОНИЁРОВ Зафар Пардабаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони мергани;

ЗАРМАСОВ Шуҳрат Якубжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ИБРАГИМОВ Фаррух Фарходович – Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили;

ҚОДИРОВ Яхёжон Тожимахаммедович – Андижон вилояти божхона бошқармаси божхона пости бошлиғи;

ҚОДИРОВА Гулнора Ғаниевна – Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари;

ҚАЛАНДАРОВ Худоёр Искандарович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

КАРИМОВ Қаҳрамон Қаҳҳорович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ҚОСИМОВ Давлатжон Шаукатович (марҳум) – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати бригадасининг катта инспектори;

ҚОСИМОВ Музаффар Рахматжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари;

ҚАЮМОВ Иброҳим Назиржонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм радиостанцияси бошлиғи;

КИДРЯЧЕВ Марат Мунирович – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ички ишлар бўлимининг бўлинмаси бошлиғи;

ҚИЛИЧЕВ Эркинжон Деҳқонович – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори;

КЕНЖАЕВ Умаржон Мансурович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости гуруҳи командири;

КУТЛИМУРАТОВ Илхом Мадиярович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг бўлинмаси бошлиғи;

МАВЛОНОВ Шавкат Шайдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг алоҳида базаси катта ўқчи-фельдшери;

МАЖИДОВ Азим Махаммадалиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири;

МАМАНАЗАРОВ Баҳодир Оқбоевич – Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг гуруҳ командири;

МАТСАИДОВ Отабек Йўлдашевич – Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги қисмининг бўлинма командири;

МАҲКАМОВ Зокиржон Набижонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

МИРАҲМЕДОВ Миразиз Мирҳамидуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири;

МУРАТОВ Олег Зиядуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари взводи қидирув-разведка гуруҳи командирининг ўринбосари;

МЎМИНОВ Баҳодир Турғинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг гуруҳ командири;

НАЗАРОВ Хусан Топикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси командири;

НОРМУРАДОВ Шуҳрат Муҳаммадиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари минтақавий штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари;

НУРДИНОВ Улуғбек Абдурашитович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи гранатомётчиси;

ОТАҚЎЗИЕВ Шуҳратжон Нурмуҳаммадович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири;

РАСУЛОВ Нодир Саидоқилович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

РАҲМАТУЛЛАЕВ Отажон Садриддинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили;

САВИНКОВ Игорь Юрьевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

САИДОВ Нурмуҳаммад Аҳмедович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш махсус отряд командири;

САИДОВ Олим Тўхтаевич – Навоий вилояти Қизилтепа туман ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори;

СОБИРЖОНОВ Ойбек Юсубжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг бошқарув аппарати тезкор бўлими бошлиғи;

ТУРДАЛИЕВ Умидхўжа Алавуддинович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ТУРДИЕВ Тўйчи Темирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари чегара постининг мергани;

ТУРСУНОВ Қодиржон Абдупаттаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг взвод командири;

УМАРОВ Анвар Исаевич – Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори;

ЎРМОНОВ Анваржон Тўхтабоевич – Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги қисмининг таъмирловчи устаси;

ФАЙЗИЕВ Борис Ахтамович – Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили;

ХАМИДОВ Бахтиёр Файзуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ХОННИЁЗОВ Ғайрат Норбоевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ХАЙДАРОВ Бахтиёр Изомович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили;

ХИДИРАЛИЕВ Вали Комилжонович – Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бўлимининг катта тезкор вакили;

ХОЛМУРАДОВ Ўткир Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари алоҳида базаси гуруҳининг қўриқловчи катер командири;

ХЎЖАМБЕРДИЕВ Нодирбек Фозилжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ХЎЖАМУРАТОВ Парда Азаматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг муҳандислик хизмати бошлиғи;

ШОМИРЗАЕВ Шавкат Турсунович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони командири;

ЭРГАШЕВ Ўрмонжон Мадаминович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм кинологйўриқчиси;

ЭРМАТОВ Дилшодбек Бакирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ЙЎЛДОШЕВ Зокиржон Ҳамиджонович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари эскадрильяси командири;

ЙЎЛДОШЕВ Адхамжон Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ЮНУСОВ Отабек Йўлдошбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони гранатомётчиси;

ЮСУПОВ Олимжон Жабборович (марҳум) – Навоий вилояти Нурота туман ички ишлар бўлимининг бўлинма бошлиғи.

"Шуҳрат" медали билан

АХМЕДОВ Анвар Шамсиевич – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдегерлик хизматининг Бухоро вилояти бўлинмаси бошлиғи;

БЕГИМҚУЛОВ Шерзод Шодиёрович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бошлиғи;

БЎРОНОВ Ибрагим Мухтарович – Навоий вилояти божхона бошқармаси «Авангард» ҳаракатдаги божхона пости бош инспектори;

БУЭР Рудольф Карлович – Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жомбой Автомобиль мактабида хизмат машқлар бўйича ўргатувчи уста;

ГУБСКАЯ Аллиса Владимировна – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тиббиёт бўлими терапевт шифокори;

ЗИЛЯЕВ Баходир Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи;

ИСОҚОВ Абдурашид Қутпиддинович – Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлими бошлиғи;

ҚОДИРОВ Карим Саломович – Сурхондарё вилояти Музробод тумани давлат нотариал идорасининг нотариуси;

ҚОСИМОВ Аброр Анварович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкилий тезкор бошқармаси бошлиғи;

МАХМУДОВ Дилшод Махамаджонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси;

МЕДЖИТОВА Лиля Рефатовна – Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциясининг катта инспектори;

МУРАТОВ БахтиёрИззатович – Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекциясининг шўъбаси бошлиғи;

НАЗАРОВ АбдуазизФайзуллаевич – Сирдарё вилояти прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи;

НЕЖУРИН Сергей Викторович – Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари;

РАҲМАТОВ Тўлқин Ўткирович – Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона комплексининг гуруҳи кичик инспектор-кинологи;

РЕШЕТНИКОВ Владимир Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта терговчиси;

РУСТАМБЕКОВ Улуғбек Шавкатбекович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисм командирининг ўринбосари – техник қисм бошлиғи;

СОДИҚОВ Орзумурод Халилович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувчиси;

САИДОВ Шокир Камолович – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи;

СЛЕГИНА Людмила Михайловна – Сурхондарё вилояти адвокатлар ҳайъатининг раиси;

СУЛЕЙМАНОВ Вельмур Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ҲАКИМОВА Сайёра Абдуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси;

ҲАКИМОВ Марат Аҳмедович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси;

ҲАҚҚУЛОВ Зокир Бахромович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғининг ўринбосари;

ХУДОЙБЕРДИЕВ Шерамат Хайитович – Навоий вилояти хўжалик судининг судьяси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 август.

Твои герои, Узбекистан!

ВЕРЕН КЛЯТВЕ ГИППОКРАТА

Полковнику медицинской службы Борису Слизкому приходит много писем, ему пишут из самых разных уголков нашей страны. Да и ждут его во многих городах и весях. А теперь наверняка будут нескончаемыми и телефонные звонки, ведь в преддверии 15-й годовщины независимости нашей Родины Указом Президента Республики Узбекистан он удостоен ордена «Соглом авлод учун» II степени.

Главный травматолог – начальник травматологического отделения Центрального военного клинического госпиталя Министерства обороны полковник медицинской службы Б. Слизкий эту новость узнал от коллег на общем собрании, где его тепло поздравили командование госпиталя, сослуживцы и пациенты.

– Весть о награждении нашего коллеги, хирурга-травматолога Бориса Евгеньевича, – говорит ведущий хирург ЦВКГ полковник медицинской службы Шавкат Ачилов, – личный состав нашего коллектива воспринял с огромной радостью как достойную оценку его труда. Знаю его лично уже давно. С капитанских лет. Прибыл к нам он тогда из отдаленного гарнизона.

Сам же полковник медслужбы Борис Слизкий, как настоящий офицер, места службы никогда не выбирал. Его ответ всегда был одинаков – «Куда направит Родина, там и буду служить». Неизменным все эти годы было еще одно – тяга к знаниям, практике, неуемное стремление как можно больше совершенствоваться в профессии. Служба в отдаленных гарнизонах, по его признанию, стала для этого отличной школой врачебной практики.

В череде очевидных достоинств героя этой публикации был один «недостаток». К сожалению, полковник медицинской службы Б.Слизкий оказался немногословным собеседником. Что ж, ничего не поделать, такая у него натура. Он очень скромный человек. Зато искренние строки благодарностей от пациентов, коими заполнена Книга отзывов и предложений травматологического отделения ЦВКГ, говорят о многом.

Читая эти бесхитростные своеобразные «признания в любви», а их было большое количество, невольно обращаешь внимание на одно, что сразу западает в душу. Суть письма такова: в жизни майора Шарофа Бахромова наступил очень тяжелый момент. Получил настолько серьезную травму руки при выполнении боевой задачи, что вставал даже вопрос о возможной инвалидности. Проститься с воинской службой досрочно настоящему боевому офицеру – все равно что потерять смысл жизни. Так вот финал этой истории великолепен: сегодня уже подполковник Шароф Бахромов по-прежнему в боевом строю, служит в Ташкентском военном округе. И сколько таких военных судеб, выправленных умелыми руками этого «костоправа», как говорится, божьей милостью, – трудно сосчитать. Да и надо ли? Ведь главное, что благодарные пациенты помнят о своем спасителе, пишут замечательные отзывы и письма, звонят и в будни и в праздники.

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.
Фото Камола ТУРАЕВА.

Мустақиллик – тақдиримда

ЮРТГА ПОСБОН, ЭРККА ПОСБОН

Истиқлолнинг 15 йиллик тўйи катта тантана билан нишонланаётган шу кунларда мустақиллик сабаб эришилган ютуқларимизни, амалга оширган эзгу ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Ўз-ўзимизга «мен мустақилликни мустаҳкамлаш учун нима қилдим?» дея савол берамиз. Жорий йилда, яъни истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи нишонланадиган йилга қадам қўйганимизда, аниқроғи, Ватан ҳимоячилари кунида давлат мукофоти билан тақдирланган қаҳрамонларимизнинг айримларидан ана шу саволга жавоб изладик.

Полковник Салаймахсум ШАРИПОВ иккинчи даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган, 1993 йилдан Қуролли Кучларимиз сафида.

– Президентимизнинг замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, аввалambor, миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу заминда вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз, деган фикрлари бор. Мустақиллигимиз туфайли шаклланаётган миллий армиямизга, унинг сафларида жавлон ураётган ўғлонларимизга қараб, шу фикрлар хаёлдан ўтади. Истиқлол сабаб Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларда кичкинагина улушим борлигидан хурсандман. Мустақилликни мустаҳкамлаш, у туфайли эришилган ютуқларни асраш, авайлаш учун жанговар шайлигимизни янада оширяпмиз, замонавий ҳарбий билимларни эгаллаяпмиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳайё НЕЪМАТОВА, «Шуҳрат» медали, Мустақиллигимиз, Қуролли Кучларимиз 10 йиллик тўйларида эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

– Ўзбек қизлари, ўзбек аёллари ҳам эгнига ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимояси йўлида баҳоли қудрат хизмат қилишмоқда. Ана шундайин имкониятни аввало мустақиллигимиз берди. Ўзбекистон ҳарбийси бўлганим билан фахрланаман. Ислоҳотлар самараси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабини битирдим. Соҳам бўйича ўқиб, изландим. Буларнинг барига истиқлолимиз сабаб. Ҳа, менга ана шундайин имкониятларни мустақиллик берди. Хўш, мен мустақилликка нима бердим, уни мустаҳкамламоғим учун нима қилмоғим лозим? Менимча, ўз касбимни пухта эгаллашим, жанговар шайлигимни янада ошириб, сарҳадларда сергак туришим бу саволларга жавоб бўлади. Шу маънода мустақиллик – ҳаётим, мустақиллик – келажагим, деган бўлардим.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАЙ ПОСБОНИМИЗ

Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнгил фахр, ғурур туйғуларига тўлади. Ислоҳотларнинг энг катта ютуғи нимада, дея ўз-ўзимизга савол берадиган бўлсак, аввало ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларимизни кашф қилганида, деган бўлардим. Ютуқларимиз қурол-яроғ ва маҳорат бобида, жанговар тайёргарликда, ақлий салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантираётганимизда, дердим фахр-ифтихор билан.

Табиийки, маҳорат, юксак жанговар тайёргарлик, ақлий салоҳият осмондан тушмайди. Посбонларимиз назарий ва амалий машғулотларда тобланишиб, чиниқишиб, замон талабларига мос ҳарбий бўлишади. Бунинг учун аскар ва сержантларга сабоқ берадиган, устозлик қиладиган офицерларимиз юксак даражада тайёрланган бўлмоғи лозим. Шахсий таркиби Ватанга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган, мустаҳкам ирода соҳиби бўлган, энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган армия қаршисида ҳеч қандай ёвуз куч дош беролмаслигини Юртбошимиз таъкидлаганида айни ҳақиқатни айтганди.

Жорий йилда биринчи курсга қабул қилинган, офицерликдек шарафли касбни танлаш йўлида илк қадамни ташлаган ўғлонларимизга бағишлаб жанговар техника ва қурол-аслаҳанинг намойиши билан боғлиқ ўтказилган амалий машғулотни кузатиб шу фикрлар хаёлдан кечди.

Мазкур машғулотни кузатишга келган Мудофаа вазири Р.Мирзаев курсантларга қарата шундай деди:

«Азиз курсантлар!

Бўлажак офицерлар.

Сизларнинг мустақил давлатимиз – Ўзбекистоннинг энг нуфузли олий ўқув билим юртларига қабул қилинганингизга ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ.

Сизлар ҳаётингизда илк ва энг муҳим қадамингизни қўйдингиз, яъни шарафли ва муқаддас касб – Ватан ҳимоясига ҳаётингизни бағишлашга қарор қилдингиз.

Ушбу қарорингиз билан зиммангизга барчамиз учун жонажон Ўзбекистонимизнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик вазифасини ҳам юкладингиз.

Ватан ҳимояси – энг шарафли касбдир. Асрлар оша она заминимиз шуҳратини шарафлаб келган буюк аждодларимиз хотираларига ҳамиша содиқ бўлинг.

Сиз армияга энг қизғин даврда, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги ҳарбий ислоҳотларнинг фаол маҳалида кириб келдингиз.

Сиз Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги кенг нишонланадиган айёмда Ўзбекистон Республикаси халқи ва Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қиласизлар.

Бугун Сизларнинг тажрибали қуролдошларингиз халқимиз ишониб топширган жанговар қурол-аслаҳа қудратини намойиш этишади. Кўп вақт ўтмай Сизлар ҳам юқори малакали устозларингиз раҳбарлиги остида ушбу қурол-аслаҳа ва техникани пухта ўзлаштириб, маҳорат ила қўллай бошлайсизлар.

Ҳарбий билим юртида таълим олиш осон эмас. Бу жараён мураккаб ва машаққатлидир.

Ишонаманки, Сизлар буни уддасидан чиқасизлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мутахассис офицерлари, энг оғир вазиятда она юртимиз ва халқимизни ишончли ҳимоя қила оладиган ватанпарвар фарзандлар ва ҳар қандай шароитда ишонса бўладиган инсонлар бўлиб етишасизлар.

Сизларга келгуси ўқиш ва хизматларингизда омад, муваффақият ва мустаҳкам соғлик тилайман».

Амалий машғулот замиридаги мазмун-моҳиятни англаган бўлсангиз керак. Армиямиз қудратли. Аммо армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан олиб чиқадиган, унинг жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Демак, замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, уларни миллий хавфсизлигимиз ҳимоясига тўла сафарбар этиш учун посбонларимизнинг ўзи юксак тайёргарликларга эга бўлмоғи керак. Тўғри, бу йўналишда ислоҳотлар давомида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Тилга олинаётган янгилик эса уларнинг навбатдагиси бўлди, дея баралла айта оламиз.

Машғулотни кузатиб туриб, биринчи курс курсантларнинг нигоҳларига боқаман. Юракдаги ҳаяжон, тўлқин акс этиб турибди, ғурур, фахр чақнаб турибди, нигоҳларда. Машғулот натижасида улар миллий армиямизнинг куч-қудратини, истиқлолни, Ватанни ҳимоялашдаги имкониятларини янада яқиндан ҳис қилади. Бу эса ўз навбатида унда Қуролли Кучларимизга нисбатан янада фахр, ғурур туйғусини алангалатмоқда ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирмоқда. Ҳа, ғурур, ифтихор, фахр ана шундан. Ўзидан катта курсларда таҳсил олаётган курсантлар жанговар техника ва қурол-аслаҳа ёрдамида кўз ўнгида машқлар бажариб, маҳоратини намоён этар экан, табиийки, уларда ҳам ҳавас, интилиш шаклланади. «Мен ҳам ана шу курсант акаларимдек маҳоратли, тажрибали, юксак салоҳиятга эга бўлмоғим, юртим учун асл посбон бўлмоғим лозим», деган фикр ўтади кўнглидан. Юракдаги ҳаяжон, тўлқин ана шундан. Демакки, Мудофаа вазири таъкидлаганидек, улар малакали устозларидан тажрибаларини қунт билан ўрганишга, ўзларига бириктириладиган жанговар техника, қурол-аслаҳани ишонч билан бошқаришга ҳаракат қилишади. Бу ўқиб, изланади, тажрибалар тўплайди, жанговар тайёргарликка катта эътибор қаратади, дегани. Бир сўз билан айтганда, ана шундайин зарур ва муҳим кўргазмали амалий машғулотлар билан курсант офицерликка илк қадам ва ўзига хос пойдевор қўяр экан, бу ўз-ўзидан маҳоратнинг, жанговар тайёргарликнинг савияси янада ортади, дегани.

Амалий машғулот давомида курсантларнинг қизиқиши, интилиши, ёниб туришини кузатиб, Президентимизнинг қуйидаги фикрлари хаёлимга келди: «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда».

Масалан, Мудофаа вазирининг эсдалик нишонига сазовор бўлган учинчи курс курсанти Искандар Саъдуллаевни олайлик. Унинг биринчи курсларга замонавий қурол-аслаҳа бобида маҳорат билан кўргазмали машғулот ўтгани ўз соҳасининг асл профессионали бўлиб етишаётганидан, мутахассислигини пухта ўзлаштираётганидан. Ёки курсант Жаҳонгир Тожибоевни олайлик. Жанговар қуролдан нишонга аниқ отиб, биринчи курс курсантларининг ҳавасини келтирди. Бу унинг ҳарбийликни касб деб, Ватан, юрт олдидаги масъулиятли вазифа деб қабул қилганидан. Юрт ҳимояси йўлида доим шай турадиган мард, жасур бўлиб шаклланаётганидан.

Рустам Каримов, Маҳмуд Отажонов сингари биринчи курс курсантларининг ҳаяжони, таассуротлари бир олам. Улар билан суҳбатлашар эканмиз, кўргазмали машғулот миллий армиямиздан янада фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини шакллантирганини таъкидлашди.

Қисқаси, бўлиб ўтган кўргазмали машғулот посбонларимизни маҳорат сари, жанговар шайлик сари, демакки халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг метин қалқони бўлиш, ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслик сари руҳлантирди, дея баралла айта оламиз.

Майор Сафар АЛИЕВ.
Тимур Каримов суратга олган.

15 МУСТАҚИЛЛИК – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Курсант Жаҳонгир ТОЖИБОЕВ:

Истиқлол байрами арафасида менинг курсантлик ҳаётимда унутилмас бир воқеа содир бўлди. Ўқув машғулотида юксак натижа кўрсатганим, жанговар қуролдан нишонларни бехато урганим учун Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони» билан тақдирландим. Тўғрисини айтсам, бу хушхабардан барча сафдошларим, устозларим ҳам жуда мамнун бўлдилар. Ота-онамнинг, қишлоқдошларимнинг хурсандчилигини эса айтмасам ҳам бўлади. Албатта, бундай юксак эътибор, ишонч мени ўқишда, хизматда янада юқори натижаларни қўлга киритишга чорлайди. Ўз билимимни, касбий маҳоратимни ошириб, олий ҳарбий билим юртини аъло баҳолар билан тугаллашга, Мустақил Ўзбекистонимиз, халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини кўз қорачиғидек қўриқлайдиган офицер бўлишга сўз бераман. Мен озод ва обод юрт посбони эканлигимдан, офицерлик касбини танлаганимдан чексиз фахрланаман.

Курсант Руслан АЗНАБАЕВ:

– За годы независимости в нашей стране заметно возрос престиж военной службы. Многие юноши своей жизненной целью поставили освоение профессии военнослужащего. Это является наглядным результатом проводимой разъяснительной работы в махаллях и школах, где уделяется большое внимание военно-патриотическому воспитанию. Когда учился в средней школе, потом в лицее с военно-профессиональной ориентацией, преподаватели воспитывали нас в духе патриотизма, любви к своей независимой Родине. Именно тогда пришло твердое решение стать офицером. Поступив в ТВОКУ на факультет войсковой разведки, стал отличником учебы, учусь на 3-м курсе. Сегодня, в День независимости, я и мои друзья заверяем, что, став офицерами, будем зорко стоять на страже рубежей любимой Отчизны, охраняя мирный труд нашего народа.

Курсант Искандар САЪДУЛЛАЕВ:

Болалик орзуларим, ҳарбийликка бўлган чексиз қизиқишим туфайли мен ҳам кўплаб сафдошларим қатори Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олмоқдаман. Орзуим келгусида ҳар томонлама юксак тайёргарликка эга, билимдон офицер бўлиб азиз Ўзбекистонимизга ҳалол хизмат қилиш. Бу улуғ мақсаднинг амалга ошишида ҳарбий билим юртимиздаги устоз офицерлар, профессор-ўқитувчилар бизга яқиндан кўмак беришмоқда. Билим юртимизда замонавий ҳарб илмини чуқур эгаллаш, профессионал ҳарбий бўлиш учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли. Фақат курсантнинг дилида эзгу мақсадлар сари интилиш, ўз халқига, Ватинига ишонч, эътиқод, садоқат туйғулари бўлса бас. Ахир, халқимиз интилганга толе ёр, деб, бежиз айтмайди. Мен фурсатдан фойдаланиб ўз сафдошларимни, устозларимни энг улуғ байрам – Мустақилликнинг 15 йиллиги билан табриклайман.

Курсант Григорий КУЗЬМУК:

– На недавнем полевом выходе перед нами была поставлена ответственная задача: продемонстрировать мощь нашего вооружения и техники. Ответственна она была еще и потому, что за упражнениями стрельб наблюдало руководство Министерства обороны и Объединенного штаба, курсанты-первокурсники. Чести курсанта Ташкентского ВОКУ мы не уронили. Все цели были поражены первыми выстрелами. А это значит, что мы послужили хорошим примером для курсантов, только начинающих свое становление. По итогам стрельб отличившимся курсантам были вручены Памятные знаки министра обороны Республики Узбекистан и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. Это стало высокой оценкой нашего боевого мастерства.

Это наш подарок к 15-летию независимости.

Курсант Андрей МИХАЛЕВ:

– Овеянная романтикой воинская профессия армейского разведчика с детских лет была моей мечтой. Сейчас я учусь на третьем курсе факультета войсковой разведки. Недавние показательные занятия на учебном центре, организованные для курсантов первого курса военно-образовательных учреждений Министерства обороны, стали для нас отличной возможностью еще раз проверить в деле свои командирские знания и навыки. Например, мне в качестве руководителя занятия на учебной точке довелось рассказывать им о предназначении и тактико-технических характеристиках гранатомета. За ратный труд мы были удостоены высокой оценки руководства военного ведомства. Мне был вручен Памятный знак министра обороны Республики Узбекистан за хорошо проведенное занятие. В этой награде есть большой вклад всех моих наставников – преподавателей и командиров, за что им всем огромное спасибо.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД

САДОҚАТ ЖЎШ УРСА ҚАЛБЛАРДА

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитга бир қаранг. Кўксини фахр, ғурур тўлдириб турибди. Ватанига, Президентига, халқига тантанали қасамёд қилмоқда. Ана шу кундан эътиборан унга бурч туйғуси куч беради, қувват беради. Қасамёд замиридаги сўзлар уни юрт ишига қалб амри билан интилишга ундайди.

Йигит юрагида оловдек куч бор. Қасамёд қабул қилаётган ўғлон Ватанида бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, истиқлол сабаб гуркираб бораётган Ўзбекистонидан руҳланиши ана шу кучни янада алангалатади. Истиқлолни ҳимоялашга, халқининг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакати равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичади. Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитнинг юраги депсиб, кўзлари чақнаб туриши ана шундан.

Ҳа, ҳа, Ҳарбий қасамёд билан йигитнинг юрагидаги куч уйғонади. Бу куч Ватани, халқи йўлида зарур бўлса, тоғни талқон қилади, зарур бўлса, юлдузни бенарвон уради. Бу куч уйғондими, унинг дамини на бир қескир қилич, на бир пўлат қалқон қайтара олади. Бу кучнинг замирида жасорат, матонат, садоқат деган туйғулар бор. Қудрати ҳам шу билан-да.

«Сўнгги нафасим қолгунча она Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан». Матнлардаги бу оташин сўзлар унинг моҳиятини акс эттириб турибди. Қалбдан отилиб чиқади, яна юракка сингади бу каломлар. Сўзда сеҳр бор, дейишади. Ҳа, ҳа, айнан Ҳарбий қасамёд матнида сўзнинг қудратини ҳис қиласиз. Истиқлол ва тараққиёт йўлимизни кўролмай, сарҳадларимизга бостириб киришга уринишган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши мардонавор курашган ўғлонларимизни бир эсланг. Кўксини қалқон қилди, керак бўлса, Ватани, халқи учун жонини фидо қилишгача боришди. Бу аввало уларнинг қасамёдига содиқ эканликларидан. Қасамёдга содиқми, демакки, юртига, халқига садоқатли. Сайёр Садинов, Алишер Салимов, Бобуржон Ганиев, Маъруфжон Ражабов, Юнусжон Охунов, Эломон Отажонов, Қаҳрамон Мадолимов каби марду майдонларнинг жасорати, матонатини бир эсланг. Қасамёдига, бурчига охирги нафасигача содиқ қолган бу ўғлонларнинг жасорати дилларда достон, бугун. Бундайин мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Маълумки, Ҳарбий қасамёд матни 1992 йил 3 июлда Республика Олий Кенгаши қарори билан тасдиқланган. Келтирилган мисоллардан ҳам яхши англагандирсиз. Ҳарбий қасамёд шунчаки бир матн ёки сўзлар шодаси эмас, у – масъулият, у – мажбурият, у – Ватан ҳимояси йўлида зиммага олинган устувор бир вазифалардир. Ҳа, ана шу юкни елкага олмай туриб, ҳарбий бўлолмайсиз, ҳарбийликка қабул қилинмайсиз. Қасамёдга содиқлик табиийки Умумҳарбий низомларга оғишмай буйсуниш, командир, бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилиш, дегани ҳамдир.

2005 йилдан эътиборан олий ҳарбий билим юртларимизга ўқишга кирган йигитларимиз 1 сентябрдан – Истиқлол айёми кунидан Ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда. Мана, бугун ҳам курсантлик, миллий армиямизнинг ҳарбийси бўлишдек бахт насиб этган ўғлонларимиз садоқатдан онт ичишади. Ҳа, ҳа, байрам либосларида саф тортишиб туришган алплар Ўзбекистонимизнинг етук офицерлари бўлиш, миллий армиямизни янада шакллантириш, халқига, Ватанига, истиқлолига садоқатли бўлишга онт ичишади. Бунда улкан рамзий маъно мужассам. Бу уларнинг истиқлол сабаб шундайин бахтга муяссар бўлаётганлигига, демакки, энг улуғ, энг азиз неъматимизни кўз қорачиғидай асраш кераклигига ишора. Мустақиллигимиз кунида Ҳарбий қасамёд қабул қилгани йигитнинг хотирасида умрбод сақланади. Бу садоқатдан ичган онти юрак-юрагига сингади, дегани.

«Бу қутлуғ кунда қасамёд қабул қилаётганимиз истиқлолимизнинг ҳимоячилари, метин қалқони бўлишимизга яна бир ишора», – дейди зўр ҳаяжон билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Жўрабек Қосимов.

– Миллий армиямиз ташкил топиши, шаклланиши, биз ўзбек ўғлонларининг эгнимизга ҳарбий либос кийиб, ўз юртимизда хизмат қилишимизга мустақиллигимиз сабаб. Истиқлолимиз сабаб мен ҳам курсант бўлдим. Бугун айнан қутлуғ кунда қасамёд қабул қиларканмиз, ана шулар кўнгилдан ўтади, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Мухтор Мамиров.

Юракдаги кучинг уйғонаётгани, у садоқатинг, шижоатинг, матонатингга янгича ранг, янгича мазмун бераётгани муборак, курсант!

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комол ТЎРАЕВ суратга олган.

СОДИҚЛИК ОНТИ

Яқинда офицер Баҳодир Жўраев хизмат қилаётган сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) батальонида ойлик йиғинини ўтаётган фуқароларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди.

Унда ҳарбий қисм шахсий таркиби, округ қўмондонлиги офицерлари, жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, йиғин иштирокчиларининг ота-оналари, ёру дўстлари қатнашишди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилингач, бўлиб ўтган митингда нутқ сўзлаганлар, сафларига минглаб йигитларни жалб қилган бу янги хизмат тури қисқа ва қулай эканлиги билан кўпчилик юртдошларимизга маъқул бўлаётгани ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини билдиришиб, ўғлонларнинг келгуси ишларига омад ва муваффақиятлар тилашди.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан оддий аскар Элёр Раҳимов бугунги қасамёд улар хотирасида абадий сақланиб, энг бахтли кунларидан бири бўлиб қолажагини таъкидлади. Бир ой ичида ҳарб илмидан олган сабоқларини, офицер ва сержантлардан орттирган тажрибаларини мустақил Ўзбекистон тинчлиги, фаровонлиги йўлида сафарбар этишга сўз берди, у.

Сўзга чиққанлардан офицерлар – Даврон Жўрабоев, Ойбек Каримов, Алишер Ражабовлар ҳам ўзларининг самимий истакларини билдиришиб, йигитларни бугунги унутилмас воқеа билан табриклашди.

– Бир ой давомида ўғлонларимиз, – дейди офицер Муҳиддин Муҳаммадиев, – ҳарб илмидан пухта билим олишди, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини янада ўсишига ҳам катта эътибор қаратдик. Жумладан, жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Заковат», «Балли, йигитлар» каби қизиқарли, сермазмун тадбирлар ўтказдик. Албатта, бу тадбирлар орқали уларнинг ҳам ақлий салоҳияти шаклланади, ҳам миллий армиямиз ҳақидаги билимлари бойийди.

Тантанали тадбирдан сўнг аскарлар, ташриф буюришган ота-оналар ва меҳмонлар учун концерт дастури намойиш этилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Шубҳа йўққи, тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлонларимиз Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг осуда ҳаёт кечириши учун лафзларида бир умр собит қолишади. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, «Дунёда «Ватан» сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқдир».

Ҳусниддин РАЖАБОВ.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ПОСБОНИМИЗ ОЗОД ЮРТНИНГ

Энг улуғ, энг азиз неъматимиз истиқлолнинг 15 йиллик тантаналари кенг нишонланаётган шу кунларда қалбларимиз бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи билан жўшиб-тошаётгани фаровонлигимиздан, тараққий этиб бораётганимиздан. Мустақиллик ана шу туйғуларни юракларимизда алангалатаётганидан.

Атрофга синчков назар билан боқсак, талотўп дунёнинг доимо чайқалиб туришини англаймиз. Қаерлардадир уруш олови сўнмаган, қаерлардадир турли можаролар тинчликка, хавфсизликка таҳдид солмоқда. Кичкинагина бир бунёдкорлик тугул, вайронагарчиликдан боши чиқмаётган халқлар, миллатлар борлигини кўрамиз. Шунда юрак-юрагимиздан шукроналик ҳисси кечади.

> ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ, САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ ҲИСОБЛАНМИШ АРМИЯМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУДРАТЛИ, ҚУРОЛ-ЯРОҒ ВА ҲАРБИЙ МАҲОРАТДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ.

Президентимизнинг «Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир», деган пурмаъно фикрлари бор. Бунинг замирида улкан мазмун-маъно мужассамлигини яхши биламиз. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шаҳид кетган, бу дориломон кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи дегани. Демак, ўзининг бундайин ҳуқуқларини ҳимоя қилолмайдиган миллат, халқни том маънода мустақил деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳуқуқларимизни ишончли ҳимоя қилиш истиқлолни, озодлигимизни ҳимоя қилиш дегани. Хўш, кимдан, нимадан ҳимоя қиламиз, демоқчимисиз?

Яхши биламизки, бундайин ҳуқуқларимизга кўз олайтирувчилар бор. Мустақил тараққиётимиз йўлида бунга бир неча бора амин бўлганмиз. Дейлик, турли ахборот хуружлари ёрдамида демократия ниқоби остидаги турлича ифволари билан таъкидланаётган ҳуқуқимизга кўз олайтиришлар бўлгани ҳали хотирамиздан кўтарилгани йўқ. Шукрки, истиқлол сабаб эришилган бундайин ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодирмиз. Яъни уларни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг бир гапини келтириб ўтиш лозим: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, аньана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар». Бу фикрлар замиридаги маънони теранроқ таҳлил қиларканмиз, истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ белгилаб олган орзу, ниятларимизни, танлаган йўлимизни, миллий ғоямизни ҳимоялашимиз лозимлигига амин бўламиз. Демак, орзу-ниятларимизга, танлаган йўлимизга, миллий истиқлол мафкурамизга бўладиган таҳдидни хавфсизлигимизга таҳдид деб қабул қилмоғимиз шарт. Шу маънода ҳам истиқлолнинг дастлабки одимлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантиришга эътибор қаратилди.

Қуролли Кучларимизда ўтказилиб келинаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган ғоядан озиқланаётганини ҳис қиламиз.

Бир эсга олинг. Истиқлол арафасида, аниқроғи 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизигагина ташкил этарди. Бу эса кадрлар масаласининг ўта долзарб бўлганини кўрсатади. Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий таълим тизимида олиб борилган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ҳарбий билим юртларимиз, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди. Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академияси ҳақида узундан-узоқ тўхталишимиз мумкин. Албатта, бу ўринда гап ҳарбий таълим сифатида. Унинг замон талабларига қай даражада жавоб беришида. Яхшиси бу борада бир мисол келтирайлик. Пўлатжон Сотиболдиев деган ҳарбийни биламан. Дастлаб мамлакатимиз ҳарбий билим юртида соҳа илмини эгаллади. Сўнгра Буюк Британиянинг Қироллик академиясида таҳсил олиб, юксак ақлий салоҳияти, билими, иқтидори билан тингловчилар орасида мукофотга сазовор бўлди. Мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртида замон талабларига, андозаларига мос таълим олгандирки, шундайин натижага эришган. Биргина ана шу мисолнинг ўзи ҳам ҳарбий таълим тизими замон талаблари асосида ривожланаётганини, бу борада ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз борлигини кўрсатади. Ислоҳотлар меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини битиришган профессионалларимиз бугун том маънода армиямиз суянчи ва таянчига айланаётганини кўриб, билиб турибмиз. Энди биз сержант деганда аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни касб деб, тақдир деб биладиган ўғлонларни тушунамиз. Билимда, маҳоратда ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг кичик командирлари билан бемалол беллаша оладиган ҳарбийларимизни тушунамиз. Ҳа, истиқлол сержантга ана шундай юксак мақом берди.

Бир сўз билан айтганда, кадрлар масаласида шу юртнинг сувини ичиб, тузини тотиган, шу заминда камолга етган ватанпарварларга суяндик. Бу ватанпарварларнинг қонида саркарда боболари, буюк аждодлари матонати, шижоати, жасорати уйғонди. Роппа-роса бир йил муқаддам – истиқлолнинг 14 йиллик тўйида чегарачи оддий аскар Санжар Мирзаев Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди. Сарҳадларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган ғаламисснинг йўлига тўғаноқ бўлган, бу марду майдон ҳатто ярадор бўлса-да, ҳолдан тойса-да, ўз бурчини охиригача бажарди. Хўш, унинг юрагида миллатимизнинг жажжи бир қиёфаси, қалбида Ўзбекистонининг сурати акс этиб турибди, дея ким айтмайди?! Ёки Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида «Шуҳрат» медали билан тақдирланган оддий аскар Маъруфжон Ҳайдаровнинг жасоратини олайлик. Тартиббузар унинг низом бўйича огоҳлантиришларига парво қилмагани учун, посбон армияда ўрганган қўл жанги ёрдамида уни қўлга олади. Юрагида Ўзбекистони балқиб турган бундай йигитлардан қўрқув ҳам қочмай иложи йўқ.

Бугун огоҳлик, ҳушёрлик асосий қуролимиз эканлигини бот-бот таъкидлаяпмиз. Ўзимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини айтяпмиз. Негаки, халқаро терроризм, диний экстремизм тинчликка, хавфсизликка дахл қилмоқда. Яқинда шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Баҳодир Каримов ва Собир Маҳкамбоевлар ўзларига топширилган жанговар вазифани виждонан адо этишиб, бурчига содиқ эканликларини, ҳақли равишда армиямизнинг таянчи ва суянчи эканликларини исботлашди. Профессионал посбонлар ўта муҳим иншоотни қўриқлаб туриб, шубҳали, номаълум кимсаларни қўлга олишади. Ёки бўлмаса ўта муҳим объектни қўриқлаб турган уч нафар посбонимиз шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Ғофур Қаҳҳоров, Умид Мингбоев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Носир Мамажоновларнинг ҳушёрликлари сабаб шубҳали кимсалар ўз ниятларига етиша олишмади. Хўш, уларни постларида сергак, огоҳ туриб, Ватанни ҳимоя қилишга ундаган куч нимада? Серқуёш, жаннатмакон она Ўзбекистонига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатда. Юракларида уйғонган жасорат, матонатда. Бундай ҳарбийларни енгиб бўлмасканми. Уларни барала бугунимиз қаҳрамонлари дегим келади.

Бугун озод юрт посбони мақоми баланд. Ўзбекистон ҳарбийлари деганда кўз олдимизга нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқига чексиз садоқати билан ажралиб турадиган марду жасурлар келади. Мустақиллик берган бундайин имкониятлар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансакда оз.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида ҳозирги замон ҳуқуқий давлат меъёрларидаги миллий давлатчилик ўз шаклланиш жараёнини ниҳоясига етказмоқда. Жамиятимиз давлат тузилмалари ва сиёсий партиялар билан мувозанатни таъминлашга қодир бўлган жамоат бирлашмалари тизими ҳам шаклланмоқдаки, улар ўз фаолиятларини фуқаролик жамиятига хос дастурий мақсадларни амалга ошириш ва низомий қоидалар асосида иш юритиш тажрибалари билан бойитмоқдалар.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамият маънавиятини юксалтириш демократик жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналиши деб белгиланди. Президентимиз Ислом Каримов сўзи билан айтганда «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир». Юртбошимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида жамият ривожининг тўрт асосий негизини баён қилади. Булар – умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ва ватанпарварликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги асарларида ушбу ғоялар янада ривожлантирилди ва миллий-маънавий тикланиш давлат концепцияси даражасига кўтарилди.

Юртдошларимизнинг аҳил қўшничилик, инсонпарварлик, этник ва диний бағрикенглик каби тамойилларга риоя этишлари умуминсоний қадриятларга содиқликнинг асосини ташкил этади. Бугунги кунда инсонларнинг бирлашишига, одоб, ахлоқ ва бошқа олижаноб хислатларнинг янада мустаҳкам қарор топишида маҳалла муҳим роль ўйнайди. Чунки маҳалла, тарихчи олим Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида қайд этилишича, бундан 1100 йил илгари ҳам мавжуд бўлган. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда 8142 та маҳаллалар мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксариятида қадимги номлари қайтадан тикланди. Бугунги кунда маҳаллаларнинг аҳамияти янада ортаётганлиги, уларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ўзларининг ўзлари бошқариши ва шу асосда давлатимиз бошқарувида эркин демократик сайловлар орқали иштирок этиб, ўз келажагимизни ўзимиз белгилашимизда ҳам намоён бўлади.

Ўзлигини англаган миллат миллий ғоя ва мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси бўлиб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда маёқ вазифасини ўтаб келмоқда. «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир», деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Мазкур ғоя юртдошларимизнинг энг эзгу интилишлари, бунёдкорлик ва яратувчанлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилади. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик ва комил инсондир. Ватан равнақи Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини киндик қони тўкилган тупроғи, халқининг манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват эса, юрт тинчлиги –барқарор тараққиёт гаровидир. Ватан бизнинг валинеъматимиздир. Ватан ва миллат саодати, бахти эса ҳар биримизнинг қўлимизда. Ватан озодлиги учун жонини қурбон қилган жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат Ватан, она юртимиз гўзаллигини шундай тасвирлаган эди:

Қардошларим, мана, сизга бир ўлка –
Ким топилмас ер юзида сингари.
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоқлар,
Жон сувидан етишгандир гуллари...

Мамлакатимиз осмонининг мусаффолигини таъминлаш, юрт тинчлигини сақлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Инсоният жамият сифатида шаклланибдики, унинг тарихида ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушлар бўлгани, уларда миллионлаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмганлигини кўрамиз. Асрлар давомида халқимиз она Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ҳаракат қилиб келди. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин бўла олмайди. Ҳаётдаги барча эзгу тилакларнинг рўёбга чиқиши учун, доимо қаршилик қилиб келадиган кучларнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишга йўл қўймаслик учун юксак маънавият, сиёсий маданият, мафкуравий етуклик, миллий ҳамжиҳатликни бирлаштириш орқали уларга қарши курашиш лозим.

Халқ фаровонлиги ғояси ислоҳот-ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғоялари эса республикамизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг бир тан, бир жон бўлиб давлатимиз ривожи йўлида ҳаракат қилаётганликларида, хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган юртдошларимизнинг улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилаётганликларида кўриш мумкин. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, табиий ранг-баранглиқни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсиндиради. Инсон ҳаёти фаровонлашиб борар экан, унинг учун руҳий, маънавий эҳтиёжлар кўпроқ ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инсон ўзлигини англаши – баркамоллик, комилликка етакловчи асосий йўллардан биридир. Мазкур жараён ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки у жамият томонидан шакллантирилади. Бунга атроф-муҳит, давлат сиёсати, унинг маданий-мафкуравий тизими бевосита таъсир кўрсатади.

Мустақил, тинч ва фаровон ҳаёт кечираётган юртдошларимиз бугун ҳар бир соҳада ўз имкониятларини эркин намоён қилишлари мумкин. Чунки инсон жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ҳар бир инсонга унинг иқтидори, эҳтиёжига қараб, ўзларининг билимлари, тажрибаларини жамият ривожи йўлида сарф этишларига шарт-шароит яратиб берилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунда Мирзо Абдулқодир Бедилнинг инсоннинг ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъи назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зод деб билганлигини эслаш ўринлидир: «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир». Мазкур фикр ҳар қандай давр ва жамият учун ардоқли ва адолатлидир.

Фуқаролик жамияти барпо этишда комил инсон тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич самарали амалга оширилиши, «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида республикамиздаги мавжуд 10 минга яқин умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилиш, янги мактаблар қуриш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаган ҳолда мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, дунёқараши кенг, илмли ва ҳунарли ёш авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчиллик билан ўтилиши, оналар ва болалар соғлиғига катта эътибор берилиб, соғлом авлод ҳаракатининг ривожланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш буюк бобокалонларимиз номларини улуғлаш, уларнинг асарларини қайтадан чоп этиш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, фарзандларимизни алломаларимиз ўгитлари асосида тарбиялаш демакдир. Комил инсон тушунчаси Шарқ тафаккурида алоҳида тизимни ташкил этиб, ал-Бухорий, Фаробий, ибн Сино, Алишер Навоийларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Комил инсонни шакллантиришда илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракати эканлигини таъкидлаб, улуғ аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Донишнома» асарида шундай дейди:

Тарк қил бор нарсани,
жон барчадин аълодурур,
Жон камоли илмдандур, илмдандир сўлу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса, илм шам чироғ.
Ҳикмати инсонин билгил уч чироқда мисли ёғ.
Ул агар равшан ёнар,
сен ҳам саломат ҳам тирик.
Ул чироқ сўнса, сенинг ҳам
ўлганингмасму шу чоғ.

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейин маънавий-мафкуравий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар юз бера бошлади. Шу ўринда халқимизнинг ғоявий-мафкуравий тарбиясини бегона ва ёт ғояларнинг ҳуружларидан ҳимоялаш, ҳар қандай туҳмат ва бўҳтонларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурияти жамиятимиз олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Комил инсоннинг асосий фазилатларидан бири унда ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлигидир. Ватанпарварлик – кишдик қони тўкилган юрти, халқини севиши, ўсиб келаётган авлодда бахт-саодатга интилиш, масъулият туйғуси, эътиқод, ақлий камолот, виждон, ўтмиш ва келажак олдида қарздорлик туйғусини шакллантириш демакдир. Ёшларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш бутун тарбиявий ишларнинг муҳим йўналишидир. Мазкур туйғу истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, инсонпарварлик, тотувликда ўз ифодасини топиб, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг шахсий хусусиятларида намоён бўлиб, такомиллаша бораётганлиги эса дунёқараши кенг, билимдон, зеҳни ўткир ёшларимизнинг бугунги кунда қўлга киритаётган ютуқларида кўринмоқда.

Наргис ҚОСИМОВА,
филология фанлари номзоди.

ОЗОДЛИКНИНГ АСЛ ШАЙДОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен учун ундан ўғлим Жалолиддингина қасос олишга қодир. Шунинг учун уни тахт вориси этиб тайинлайман. Сизлар эса унга итоат этмоғингиз ва унга эргашиш йўлига кирмоғингиз лозим». Белига хоразмшоҳлик камарини тақиб, қўлига интиқом қиличини олган фарзанд кўзда шашқатор ёш билан отасини дафн этгач (1220 йил декабрь), мамлакат пойтахти Гурганж сари йўл олди. Чор атрофдан душман ўраб олган шаҳар аҳолиси султон Жалолиддин ва унинг 70 нафар суворийсини олқишлар остида кутиб олган бўлса-да, аввалги тахт вориси Ўзлоқшоҳ тарафдорлари, ўгай онаси Турконхотуннинг уруғдошлари бўлмиш амирлар унга бўйсунишдан бош тортиб, ўзларича гўёки эгасиз қолган тож-тахтни эгаллаш учун қулай имкон топишган эди. Ички душманлар 90 минг нафар жангчилари, нуфузли тарафдорлари борлигидан фойдаланиб, катта дабдабалар билан Турконхотуннинг укаси Хумортегинни султон деб эълон қилишди. Ҳатто бу билан чекланиб қолмасдан, қонуний тахт вориси – Жалолиддинга суиқасд уюштиришга ҳам ҳозирлана бошладилар. Бундан ўз вақтида хабар топган Мангуберди, содиқ сафдоши Темурмалик ва 300 нафар суворийси билан қадрдон шаҳрини тарк этди. Минг бир аламларини ичига ютди. Бу ёлғон дунёнинг ишларидан кимга дод десин?! Кимга ялиниб-ёлборсин?! Кимдан мадад сўрасин?! Мўғул қўшинлари чигиртқадай ёпирилиб келган бир пайтда юрт, давлат, халқ, ўз яқинлари тақдирини ўйламай, мол-мулкини, азиз жонини асраш билан овора бўлаётган, миллат бирлигига раҳна солаётган, мамлакат ўт орасида қолган бир пайтда тож-тахт, мансаб учун кураш бошлаган ор-номуссиз, пасткаш кимсаларга қандай зарба берсин?! Ҳа, ягона йўл кураш! Манфур душман билан мардонавор курашиш керак, уни албатта енгиш керак! Ана ўшанда ички душманлар ин-инига кириб кетади. Эмаклаб оёғини ўпишади. Босқинчиларга қарам бўлиб яшагандан тик туриб ўлган афзал!

Жалолиддинга содиқ суворийлар Ғазнага йўл олишди. Навқирон султоннинг 300 нафаргина суворийси ҳам минг-минглаб қўшинга эга бўлган лаънати Чингизнинг кўзига чўпдек қадалди. У Хоразм ва Хуросон ўртасидаги чўлнинг жанубий сарҳадларини назорат қилиш, ўз уйига сиғмаган жасур ўғлонни куч тўпламасдан дарҳол қўлга олиш учун қўшинининг бир қисмини бу ерга юборди. Душман Марвдан то Насо яқинидаги Шаҳристонгача бўлган ҳудудни ўраб олди. Султон ва унинг ҳамроҳлари пистирмага дуч келдилар. Жангда мўғулларнинг султонни асир олишни, унинг азиз бошини найзага илишни сабрсизлик билан кутаётган 700 нафар суворийси мағлуб бўлди (улардан бир нечтасигина тирик қолди). Енгилмас деб ҳисобланган қонхўр босқинчилар галаси илк бор мағлубият аламини тотишди. Интиқом шамшири илк бор душман қонига бўялди. Аммо бу улкан мағлубият йўқотишлар олдида жуда ҳам кичик, арзимаган бир ғалаба эди. Шундай бўлса-да, бу жанг мамлакат ичидаги қаршилик ҳаракатига куч берди. Интилганга ғалаба ёр эканлигини яна бир бора исботлади.

Султон Нишопурга келгандан сўнг бир ой давомида яқин атрофдаги ҳокиму амирларга чопарлар юбориб, қўшин тўплай бошлади. Жалолиддиннинг ҳал қилувчи жангга ҳозирланаётганлигидан хабар топган мўғуллар уни энди жуда катта қўшин билан таъқиб қила бошладилар. Манфур душман билан олишишга етарли кучи бўлмаган Жалолиддин ноилож Ғазнага чекинди. Қандаҳор яқинида отасининг қариндоши, Ҳирот волийси Амин Маликнинг 10 минг кишилик қўшини унга келиб қўшилди. Кучига куч қўшилиб, озодлик курашига қатъий шайланган суворийлар йўл-йўлакай Қандаҳор қамали билан машғул бўлган мўғул қўшинига ҳужум қилишди. Аёвсиз жанг уч кун давом этди. Ўзини эр билиб юрган босқинчилар ҳақиқий шерларга дуч келганларини билиб қолишди. Аждарҳонинг бир боши янчиб ташланди.

Тарихчиларнинг ёзишича, бу мудҳиш хабарни эшитган, ўз сафдошларининг аёвсиз қирилиб, жангдан шармандаларча қочганидан огоҳ бўлган Чингиз қаттиқ саросимага тушган экан. Хуллас, кетма-кет кучли душмандан ғолиб келаётган Жалолиддин Ғазнага етиб келгач, халажлар сардори Сайфиддин Уғроқ, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғонлар раҳнамоси Музаффар Малик, қарлуқлар бошлиғи Ҳасан – ҳар бири 30 минг кишилик қўшин билан хоразмшоҳларнинг қора байроғи остида бирлашдилар. Ушбу иттифоққа Ғур амирлари ҳам қўшилди. Жангчилардаги руҳий кўтаринкиликдан айниқса султоннинг боши осмонга етди. Кўзидаги севинч ёшларини ҳеч кимга сездирмасдан, ич-ичидан Яратганга шукроналар айтди.

> ОТАСИНИНГ «МЕН УЧУН МЎҒУЛЛАРДАН ҚАСОС ОЛ!» ДЕГАН СЎЗЛАРИ ҚУЛОҚЛАРИ ОСТИДА ТИНИМСИЗ ЖАРАНГЛАБ ТУРГАН ЖАСУР ЎҒЛОН АРМОНСИЗ ДУШМАН АСКАРЛАРИНИ ҚИЛИЧДАН ЎТКАЗДИ, УЛАРНИНГ ЖОН ТОМИРЛАРИ, ҚОН ТОМИРЛАРИНИ КЕСДИ.

Ана энди фурсатни бой бермаслик керак. Қўлдан кетган омад, давлат яна қайтиб келадиган кунлар яқин қолди. Фақат олға, фақат олға юриш, ёвуз душман билан юзма-юз бўлиш, ўз ҳарбий даҳосини намойиш этиш керак! Жалолиддин қўшинини Ғазнадан олиб чиқиб, Волиён қалъасини қамал қилаётган мўғулларга қақшатқич ҳужум уюштирди. Отасининг «Мен учун мўғуллардан қасос ол!» деган сўзлари қулоқлари остида тинимсиз жаранглаб турган жасур ўғлон армонсиз душман аскарларини қиличдан ўтказди, уларнинг жон томирлари, қон томирларини кесди. Муқаддас юртига, Ватанига, халқига, ёр-дўстларига қурол кўтариб келган, уларни чексиз азоб-уқубатларга дучор қилган ёввойиларнинг иркит танасини пора-пора қилиб ташлади. Уч кун давомида бошлари, қўл-оёқлари сапчадек бир-бир узилаётган мўғулларнинг қолган қисми Панж дарёсининг нариги соҳилига чекиниб, кўприкни бузиб ташлашди. Султон ноилож орқага қайтишга мажбур бўлди.

Энг ишонган, энг саралланган қўшинлари бирин-кетин мағлубиятга учраётган Чингиз оёғи куйган товуқдек ўзини қўярга жой топа олмай қолди, бор аламини яқинларига сочди. Ҳали суяги қотмаган ёш йигитдан енгилиб, қочиб келаётган саркардаларни итдек хор қилди. Энди у Жалолиддинга қарши ўзининг энг номдор саркардаси Шиги Кутуху нўён бошчилигидаги 45 минг кишилик жангларда тобланган қўшини юборди. Иккала қўшин Парвонда (Ғазна яқинида) юзма-юз келди. Икки кун давом этган ушбу аёвсиз жангда ҳам мўғуллар яксон этиб ташланди. Жалолиддиннинг ўзи душман қўшинининг марказига от суриб, жанговар тартибни бузиб ташлади, мўғулларнинг байроғини отининг туёғи остига ташлаб, уларни орқага қарамай қочишга мажбур қилди.

Манбаларда келтирилишича, ушбу жангнинг биринчи куни ниҳоясида тунда Шиги Кутуху нўён ўз аскарларига кигиздан кўплаб одам шаклини ясаб, отларга маҳкамлашни буюради. Эрта тонгда, жанг бошланган маҳалда Жалолиддиннинг жангчилари мўғул қўшинларининг сафлари орттанини кўриб, душманга мадад келибди, деган хаёлга борадилар, бироз қўрқувга тушадилар. Аммо Жалолиддин жангчиларига шахсий жасорати, матонати билан далда бериб туради, уларни ғалабага руҳлантиради. Султоннинг буйруғи бўйича суворийлар отларидан тушиб, душманни ёппасига ўқ-ёйдан нишонга оладилар. Мўғуллар чекина бошлаганда эса бирданига ҳужумга ўтишади. Бироқ ўта маккор душман қўққисдан орқага қайтиб, яна султон қўшинига ташланади ва қарийб 500 нафар Ватан ҳимоячисини ер тишлатади. Фақатгина султоннинг тезкорлик билан

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
(Давоми бор).

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида истиқлол йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлга киритган ютуқларимиз, юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар акс этган "Ўзбекистон. Мустақил тараққиёт йўли" деб аталган фотоальбом нашрдан чиқди.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзал қиёфаси, табиат манзаралари, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришдек олижаноб мақсад йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан, мулкка ва меҳнатга янгича муносабат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, социал соҳаларда эришилаётган натижалар альбом саҳифаларида ранг-баранг фотосуратлар воситасида ифода этилган.

Фотоальбом йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг "Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир", деган теран маъноли сўзлари билан очилади. Альбом саҳифаларини безаб турган, юртимиз, одамларимиз, ёшларимиз, уларнинг эзгу интилишлари, азму шижоати акс этган лавҳа ва фотосуратларда бу фикрларнинг амалий тасдиғини кўрамиз.

Фотоальбомда Ўзбекистон Республикаси ҳақида маълумотлар – юртимизнинг бой ва қадимий тарихи, маданияти, меъморий обидалари, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, марказ ва жойларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ҳақида маълумотлар ҳам берилган. Бу китобхонларнинг мамлакатимиз ҳақидаги билими ва тасаввурини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Хусусан, "Ўзбекистон қадимий цивилизация ва маданият бешиги" бўлимида узоқ ўтмишга доир осори-атиқалар, миллий қадриятларимиз ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг қадамжолари, Шоҳи Зинда, Регистон, Масжиди Калон сингари қатор меъморий мажмуаларни қайта тиклаш ва обод қилиш йўлида олиб борилган ишлар тасвирланган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва нуфузига эга бўлган давлат. У кўплаб жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг қатъий позициясида туради. Альбомнинг "Жаҳонга юз тутган давлат" деб номланган бобида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида олиб бораётган фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Давлатимиз раҳбарининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги учрашувлари, йирик хорижий давлатлар раҳбарлари билан мулоқотлари акс этган фотолавҳалар юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Маълумки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент кейинги йилларда тинчлик ва бунёдкорлик шаҳри, улкан стратегик аҳамиятга эга сиёсий марказ, муҳим иқтисодий мегополисга айланди. Альбомнинг "Мустақиллик ва эзгулик рамзлари" бўлимидан жой олган, пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдони қиёфасининг тубдан янгиланган, бу ерда барпо этилган Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, яшил хиёбонлар, фавворалар мажмуаси акс этган суратлар киши кўзини қувонтиради.

Шунингдек, альбомда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократия тамойилларини қадр топтириш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий армиямизни ислоҳ қилиш, инсон манфаатларини таъминлаш, маданият, спортни ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини бажариш йўлида қилинаётган ишлар ҳам ёрқин ҳаётий лавҳаларда ифодаланган. Энг муҳими, халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари, диёримизда қарор топган фуқаролар ва ми

4 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари».
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 Олтин мерос.
11.25 «Минг бир ривоят».
11.30 «Топталган туйғу». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.45 ТВ-анонс.
12.50 «Топталган туйғу». Спектакль. 2-қисм.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.30 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.45 «Қуёшли ўлкам».
«O'zbektelefilm».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 «Рангин дунё».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Мерос». Телесериал.
19.05 «Ўзбекистон аёллари».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 ЭРКИН МАВЗУ.
22.00 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси (Корея).
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Мўйқалам сеҳри (4-фильм).
16.50 Болажон.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Ибратли саргузаштлар». Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 Ассалом, мактаб!
17.45 Болалар табассуми.
17.50 «Жаноб Бин».
Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 «Увайсий». Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
19.40 SMS-наволар.
20.00 UzEX хабарлари.
20.10 Спортлото.
20.15 Кино-SMS.
20.20 Ракурс.
20.35 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилида).
20.50 SMS-наволар.
21.10 «Синоат». Ток-шоу.
22.00 Давр.
22.35 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
00.05 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

18.00 «Покахонтас».
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.45 Анонс.
18.50 Мусиқа SMS.
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.15 Анонс.
20.20 «Интервью».
20.30 «Кўрқмас ва довюраклар». Телесериал.
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.45 Анонс.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 Анонс.
22.50 «Менинг сўнгги тангоим».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Умид юлдузлари».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Санъатнинг сеҳрли кучи». Бадиий фильм.
10.00 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
12.30 Детективлар.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 «Футбол шарҳи».
22.25 «Проф-РИНГ».
23.15 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 1/2 финал.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

5 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
«Болалар сайёраси»:
9.40 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Анҳор – ҳаёт суви».
«O'zbektelefilm».
12.25 «Одамлардан бири».
12.45 «Йигит қўнгли». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Заковат».
16.15 ТВ-анонс.
16.20 «Ўзбекистон аёллари».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Эски альбом.
17.20 «Ақл ва идрок».
17.40 «Дил таронаси».
17.50 ТВ-анонс.
17.55 ИИВ хабарлари.
18.10 «Замона ёшлари».
18.30 «Мерос». Телесериал.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Жараён».
22.00 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Journal (инглиз тилида).
8.20 Интерфутбол.
10.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Сериал.
11.00 «Синоат». Ток-шоу.
11.50 «Камолот» хабарлари.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ракурс.
13.30 Якшанба нонуштаси.
14.00 «Эрта бугундан бошланади».
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
15.50 Ўсмирлар симфонияси.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 «Қаҳқаҳа».
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Ибратли саргузаштлар». Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 Шум болалар.
17.45 Болалар табассуми.
17.50 «Жаноб Бин». Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 «Увайсий». Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
19.40 SMS-наволар.
19.50 Автопатруль.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.15 Чемпион сирлари.
20.40 CINEMANIYA.
21.00 SMS-наволар.
21.10 «Зерда». Сериал.
22.00 Давр.
22.35 SMS-наволар.
22.45 «Хотира саодати». Муҳриддин Холиқов.
23.45 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20, 21.15 «Эрудит».
9.35 «Интервью».
9.45 «Туризм ҳақида».
10.15 «Аёл қалби».
10.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.25 «Менинг сўнгги тангоим».
18.00 «Покахонтас».
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
19.10 «Ҳақиқат». Телесериал.
20.00, 21.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Репортаж».
20.30 «Кўрқмас ва довюраклар». Телесериал.
21.00 «Жозиба».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Бахтли бўлинг» (рус.).
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Спортклуб».
9.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.30 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
12.30 Детективлар.
13.05 Оғир атлетика. Ўзбекистон кубоги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.15 Теннис. Осиё чемпионати.
20.00 «Вести».
20.25 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 Еврофутбол.
23.40 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 1/2 финал.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
«Болалар сўйёраси»:
9.35 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 ИИВ хабарлари.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Ягона оилада».
12.40 ТВ-анонс.
12.45 «Йигит қўнгли». Телесериал.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.20 2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик» дастури.
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.05 «Бизнинг кутубхона».
18.15 «Дил таронаси».
18.20 «Умр мазмуни».
18.40 ТВ-анонс.
18.45 «Мерос». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Зерда». Сериал.
8.40 «Энг азиз байрам!» 1-қисм.
9.40 Матонат.
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Сериал.
11.00 «Ватанпарвар» дастури.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Кино-SMS.
13.20 Автопатруль.
13.40 CINEMANIYA.
14.00 «Эрта бугундан бошланади».
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
15.50 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.35 Давр мавзуси.
16.50 «Мен 15 ёшдаман!»
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Ибратли саргузаштлар». Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 Эврика.
17.45 Болалар табассуми.
17.50 «Жаноб Бин». Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 «Увайсий». Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
19.40 Каталог.
19.50 SMS-наволар.
20.10 Спортлото.
20.15 Радиодан кўрсатамиз.
20.30 Кино-SMS.
20.35 Олов билан юзма-юз.
20.50 SMS-наволар.
21.10 «Зерда». Сериал.
22.00 Давр.
22.35 SMS-наволар.
22.45 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
00.00 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20 «Эрудит».
9.35 «Бахтли бўлинг».
9.55 «Нима учун?»
10.25 «Репортаж».
10.55 «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
19.10 «Ҳақиқат». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.15 Анонс.
20.20 «Интервью».
20.30 «Кўрқмас ва довюраклар». Телесериал.
21.00 «Жозиба».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Ҳамшаҳарлар».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Ширин булоқ».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Белбоғли кураш.
9.40 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.40 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
12.30 Детективлар.
13.05 Оғир атлетика. Ўзбекистон кубоги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Янги экономика».
19.15 Теннис. Осиё чемпионати.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 «Майдон ортидаги одам».
22.20 Еврофутбол.
23.55 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Финал.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Қувноқ стартлар».
Телемусобақа.
10.15 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Бизнинг кутубхона».
12.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.45 «Йигит қўнгли». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Меҳр кўзда».
16.00 «Замона ёшлари».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Сиёсат оламида».
18.25 «Бир асар тарихи».
18.45 «Мерос». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Аёл қалби наволари».
Р. Шарипова.
22.05 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
24.00 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Зерда». Сериал.
8.40 «Энг азиз байрам!» 2-қисм.
9.40 Радиодан кўрсатамиз.
9,55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Сериал.
11.00 «Кун тартиби. 13-отряд».
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Анонслар.
13.20 «Ўзбек таомлари». Ҳужжатли фильм.
13.40 Давр мавзуси.
13.55 Ватан ҳақида ўйлар.
14.00 «Эрта бугундан бошланади».
14.50 «Мен 15 ёшдаман!»
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
15.50 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Таълим ва тараққиёт.
16.40 «Хазина». Беҳзод миниатюралари. 3-кўрсатув.
16.55 Кино-SMS.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Ибратли саргузаштлар». Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 Шоҳсупа.
17.50 «Жаноб Бин». Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 «Увайсий». Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
19.40 SMS-наволар.
20.00 Сифат белгиси.
20.10 Давр мавзуси.
20.25 Оила тилсими.
20.50 SMS-наволар.
21.10 «Зерда». Сериал.
22.00 Давр.
22.35 SMS-наволар.
22.45 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия.
00.15 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20 «Эрудит».
9.35 «Интервью».
9.45 «Ватан мадҳи».
10.00 «Ҳамшаҳарлар».
10.40 «Ширин булоқ».
18.00 «Покахонтас».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
19.10 «Ҳақиқат». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.15 Анонс.
20.20 «Интервью».
20.30 «Кўрқмас ва довюраклар». Телесериал.
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
22.10 «Юртим жамоли».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Оқшом чоғи арши аълода».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Белбоғли кураш.
9.40 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.40 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
12.30 Детективлар.
13.05 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.15 Теннис. Осиё чемпионати.
20.00 «Вести».
20.20 «Беллашув». Дам олиш дастури.
21.10 «Шарқ яккакурашлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
22.20 Бокс. Республика биринчилиги.
22.40 Еврофутбол. «Евро-2008 саралаш учрашуви».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
9.40 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.45 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Рақснинг сеҳрли олами».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Табаррук замин».
12.30 «Ҳажвия бисотидан».
12.45 «Йигит қўнгли». Телесериал.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.20 «Бир асар тарихи».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Бизнес янгиликлари».
17.40 «Обод манзиллар».
18.00 «Дил таронаси».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 ТВ-анонс.
18.45 «Мерос». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин мавжудотлари».
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Зерда». Сериал.
8.40 Кино-SMS.
8.45 Янги мавсум туҳфалари.
9.00 Давр мавзуси.
9.15 Оила тилсими.
9.40 Хазина.
10.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Сериал.
11.00 «Янги авлод болалари – эртанги кун эгалари».
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Кино-SMS.
13.20 МУХЛИС-ШОУ.
14.00 «Эрта бугундан бошланади».
14.55 Ватан ҳақида ўйлар.
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
15.50 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Футбол – 2006.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Ибратли саргузаштлар». Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 У ким? Бу нима?
17.50 «Жаноб Бин». Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 «Увайсий». Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
19.40 SMS-наволар.
20.00 Солиқ хизмати хабарлари.
20.10 Спортлото.
20.15 Кино-SMS.
20.20 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.50 SMS-наволар.
21.10 «Зерда». Сериал.
22.00 Давр.
22.35 SMS-наволар.
22.45 «Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
00.30 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20, 21.15 «Эрудит».
9.35 «Интервью».
9.45 «Юртим жамоли».
10.05 «Санъат гулшани».
10.20 Мусиқа-SMS.
10.45 «Оқшом чоғи арши аълода».
18.00 «Афиша».
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Репортаж».
20.30 «Кўрқмас ва довюраклар».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
22.10 «Саломат бўлинг».
22.20 «Ретро мусиқа».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Тақдиринг қўлингда».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 АВТОграф.
9.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.00 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
12.30 Детективлар.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Мўжизалар майдони».
20.00 «Вести».
20.20 Теннис. Осиё чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 «Аптека эшитади».
22.50 «Аль Бано ва эстрада юлдузлари». Концерт дастури.
24.00 Еврофутбол.

9 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Ёз – ўтмоқда соз»:
8.50 «Олтин тож». Телеўйин.
9.25 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Шифокор қабулида».
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Мусиқа дунёси».
10.20 «Оналар мактаби».
10.40 1. «Рангинкамон».
2. «Дидар».
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Интеллектуал ринг».
12.40 ТВ-анонс.
12.45 «Йигит қўнгли». Телесериал.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 ТВ-анонс.
17.30 «Шахсий фикр».
18.05 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Минг бир маслаҳат».
18.55 «Одами эрсанг...»
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Меҳр кўзда».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги тароналар». Анвар Собиров куйлайди.
22.00 «Хотинлар исёни». Телесериал премьераси.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Спартак». Бадиий фильм. 1-қисм.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Зерда». Сериал.
8.40 Футбол – 2006.
9.00 Солиқ хизмати хабарлари.
9.10 «Гап йўқ!»
10.00 Давр.
10.15 Интерфутбол.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Кино-SMS.
13.20 Юлдуз билан...
13.50 Нафосат олами.
14.00 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
15.30 «Моя мечта». Дунё таомлари.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Бола тилидан.
16.50 Кино-SMS.
16.55 Чемпион сирлари (рус тилида).
17.15 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саҳоват».
17.55 Анонслар.
18.00 Каталог.
18.10 «Камолот» хабарлари.
18.20 «Увайсий». Телесериал (якуниовчи қисм).
19.00 Давр.
19.35 Эълонлар.
19.40 «YOSHLAR»да миллий сериал: «Севги фариштаси».
20.20 «Ошуфта дил». Ҳизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева куйлайди.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Ортиқча» хусусий клиникаси». 2-қисм.
22.00 Давр.
22.35 SMS-наволар.
22.45 «Қирол Артур». Бадиий фильм.
00.40 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20, 21.15 «Эрудит».
9.35 «Репортаж».
9.45 «Афиша».
9.55 «Саломат бўлинг».
10.25 «Буюк жентельменлар лигаси».
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
19.10 «Кўза». Қисқа метражли бадиий фильм.
19.40 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Интервью».
20.30 «Камин олдида суҳбат».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Мисли гавҳар».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Кичкина малика».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Смак».
9.30 «Фазенда».
10.00 «Болалар спорти».
10.30 Теннис. Осиё чемпионати.
12.00 «Иқтидор». Интеллектуал шоу дастури.
13.00 Л. Якубовичнинг юбилей кечаси.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
19.00 «Катта пойгалар».
20.00 «Вести».
20.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Шоу-дастури.
21.05 «Халқ ўйинлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Теннис. Осиё чемпионати.
23.20 «Табиб». Бадиий фильм.
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».
10.45 «Ҳажвия бисотидан».
11.05 «Қизлар давраси».
12.05 «Навобахш».
12.50 «Бургунд қасрининг сири». Бадиий фильм.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «50х50». Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Жиддий ўйин».
18.05 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.30 «Ҳамон ёдимда...» 1-қисм.
18.50 ТВ анонс.
18.55 «Ҳамон ёдимда...» 2-қисм.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар». Э. Рўзматов.
22.10 «КиноТеатр».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Спартак». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.10 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Оҳанрабо.
8.45 «Камолот» хабарлари.
8.55 Ватан ҳақида ўйлар.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 Journal (инглиз тилида).
10.20 Якшанба нонуштаси.
10.50 Рўзғор мактаби.
11.10 «Синоат». Ток-шоу.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 «Хотира саодати». Муҳриддин Холиқов.
14.00 «Менга турмушга чиқасанми?» Бадиий фильм (Ҳиндистон).
16.20 «Ортиқча» хусусий клиникаси». 2-қисм.
16.50 Полапон.
17.05 Антиқа томоша.
17.35 Ринг қироллари.
18.25 «Қўшиқнинг туғилиши». Лола Аҳмедова.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.35 Эълонлар.
19.40 «YOSHLAR»да миллий сериал: «Севги фариштаси».
20.20 Анонслар.
20.25 Мафтунингман, ҳаёт!
20.45 «Қилни қирқ ёриб..!» Интеллектуал ўйин.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «YOSHLAR»да премьера: «Дев билан пакана». Кинокомедия.
00.00 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Ҳақиқат».
9.20 «Эрудит».
9.35 «Ватан мадҳи».
10.05 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
10.25 «Мисли гав

Бдительность – наше оружие

ЗАДЕРЖАНЫ ПОДОЗРИТЕЛЬНЫЕ ЛИЦА

– Мен билим юртининг 1-курсида ўқийман, – дейди курсант Маъмуржон Ҳомидов. – Яқинда ҳарбий йиғинда бўлиб, ҳарб илмидан илк сабоқларни олдик. Бугунги концерт дастури менга ва сафдошларимга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлаши аниқ.

Билим юртининг курсантлари Фарҳод Қаюмов, Анвар Жомов, Зоҳид Ҳожимуллаев ва офицер Илёс Пўлатовларнинг шу кун таваллуд айёмлари экан. Улар учун қўшалоқ байрам бўлди.

Шунингдек, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими вакили Дилнозахон Ирмуҳамедова бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи билан офицерлар Нурилло Обидов, Аҳрор Абдураҳмонов, Акром Ризаев ҳамда Алишер Казаковлар хизмат қилаётган ҳарбий жамоаларда ҳам бўлишиб, ўзларининг концерт дастурларини, қизиқарли томошаларини Ватан ҳимоячиларига намойиш этишди.

Ҳа, юрти тинч, халқи фаровон яшаётган элга фақатгина байраму шодиёналар ярашади.

Дилшода ҲАМДАМОВА.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

У воинов-строителей

ПУСКОВЫЕ ВВЕДЕНЫ В СТРОЙ

Широко было развернуто соревнование за достойную встречу 15-й годовщины независимости Республики Узбекистан в военном инженерно-строительном подразделении, где служит офицер А.Пиров. Личный состав стремился в установленные сроки сдавать запланированные объемы работ, добиваясь высокого качества, экономии и сбережения материальных ресурсов. Успеху воинов-строителей способствовали такие факторы, как повышение мастерства, овладение смежными специальностями.

– В нашем коллективе создан хороший психологический климат, – рассказывает заместитель командира по воспитательной работе майор Б.Самандаров. – Проявляется неустанная забота о четкой организации труда. Отсюда – высокий моральный настрой военных строителей, которые ведут настойчивую борьбу за улучшение качественных показателей. Иначе и быть не может. Ведь на собрании, когда речь шла о принятии повышенных обязательств в честь праздника, все единодушно решили с каждым днем наращивать темпы работ, оказывать друг другу помощь и поддержку, добиваться хорошего и отличного качества. И слово у военных строителей не разошлось с делом.

У воинов подразделения – мирная профессия. Но нет ее беспокойнее. Люди справляют новоселье в только что построенном доме, а они, будто недовольные сделанным, опять роют котлован под новое здание, а потом закладывают фундамент. Или сносят старые дома. Или едут куда-то в необжитые края, чтобы начать все сначала. Ежедневно в трудных климатических условиях они возводят объекты соцкультбыта и предназначенные для обустройства войск, совершая при этом чудеса трудового героизма.

Именно так и приходится трудиться личному составу этого подразделения. Зато как приятно осознавать, что все это построено твоими руками!

С радостным настроением встречают государственный праздник воины-созидатели. Ими выполнен большой объем строительно-монтажных и отделочных работ в Ташкентском, Джизакском и Самаркандском гарнизонах. В строй вступили 5-этажное общежитие ТВОКУ, штаб учебного корпуса, спорткомплекс, две лаборатории, тренажерный зал, детский сад, полигон, командный пункт, ограждения аэропорта и другие.

На предпраздничной трудовой вахте в честь Дня независимости хорошо потрудились взводы майора А.Турсунова и старшего лейтенанта А.Ходжаева, группы младшего сержанта Д.Хусанова и рядового по контракту Х.Рахимова, а также воины срочной службы рядовые Н.Атаханов, Б.Одилов и многие другие. Личный состав подразделения намерен и в дальнейшем прилагать все силы для того, чтобы дела военных строителей приносили радость людям и вызывали в народе гордость и уважение!

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

НОВЫЙ ВЗГЛЯД – ГЛАЗАМИ МОЛОДЫХ ХУДОЖНИКОВ...

15-летию независимости посвящен проходящий в Центральном выставочном зале ежегодный Фестиваль традиционного и современного искусства «Навкирон Узбекистон-2006», что в переводе означает «Молодой Узбекистан». В нем принимают участие молодые художники не старше 35 лет из Республики Каракалпакстан, со всех вилоятов Узбекистана, города Ташкента.

В работах молодых мастеров чувствуется стремление уйти от давно сложившихся стереотипов и в то же время явно обращение к древним традициям как национального, так и мирового искусства. Это стремление помогает молодым художникам создать что-то свое, оригинальное, необычное, заставляющее задуматься.

На выставке наряду с классическими направлениями изобразительного искусства представлены и современные, такие, как видеоарт и инсталляция. В ходе выставки будут проводиться «круглые столы» по проблемам национального традиционного и современного искусства. Как поделились участники фестиваля, с особенным нетерпением они ожидают мастер-классы, которые будут проводить известные мастера и художники, искусствоведы и арт-критики. А затем компетентное жюри, состоящее из абсолютно независимых специалистов, отберет лучшие работы по различным видам и жанрам искусства, которые и будут включены в специальный каталог.

Впервые этот фестиваль был организован в сентябре 2004 года. В отборочных турах тогда приняли участие более 120 молодых художников из всех регионов Узбекистана. Выставка стала одной из первых попыток объединения художников различных направлений: от миниатюры и изделий мастеров народно-прикладного творчества до произведений в стиле модерн. Такой подход молодых дарований к искусству оказался успешным. Об этом свидетельствует и тот факт, что картины художников, участвовавших в фестивале, были экспонированы в России и в Египте, где получили хорошие отзывы.

Фестиваль «Навкирон Узбекистон-2006» – это новый взгляд на традиционное искусство... Взгляд молодых талантов страны, которые, опираясь на богатое культурное наследие предков, создают современное искусство Узбекистана.

Эналида ТЯН.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

Истиқлол мадҳи

ЯШАГИЛ, ЯРАТМОҚ ИШҚИДА

Ҳаёт гўзаллиги қўлингда доим,
Каму кўсти ўнгу сўлингда доим,
Сенга ҳамроҳ, ҳамдард йўлингда доим,
Яшагил, яратмоқ ишқида!

Бевақт болишларга тегмасдан бошинг,
Дардлар синамасдан сабру бардошинг.
Сўнмасдан ҳаётга асло қарашинг,
Яшагил, яратмоқ ишқида!

Ҳаёт – бу санъатлар ичра санъатдур,
Олға юр! Олға бос! Буюк даъватдир.
Одамга берилган олий неъматдур,
Яшагил, яратмоқ ишқида!

Мен ҳаёт. Мен тирик. Мен борман деб бил,
Элу юртим учун баҳорман деб бил,
Ўзингни ҳаётга даркорман деб бил,
Яшагил, яратмоқ ишқида!

Низомиддин МАМАТҚУЛОВ.

ИХ СВЕТЛОЙ ПАМЯТИ...

Реакции трагические годы –
Ничем нельзя восполнить тот урон
Для нашего узбекского народа –
А было жертв – за тысячу имен.
Сынов Отчизны лучших забирали,
Стараясь управляться до зари, –
Невинные в застенках погибали.
Средь них Фитрат, Насир и Кадыри...
Судьба у них, как песня, не допета,
Которой на полслове замолчать,
Над тем еще потрудятся поэты,
Чтоб о таких поэмы написать!
И потому мы любим их и ценим –
Живем мы светлой памятью о них,
И принципам прямым их не изменим –
Они всегда пример для нас, живых.
За нынешнее, будущее наше
Нам начатое ими продолжать,
Чтоб жили мы и лучше бы и краше,
Чтоб Родине любимой процветать!

Яков НИКОЛАЕВ.

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН ТЎЙИНГ, ОНА ДИЁРИМ

Ватаним пойингга бошим эгаман,
Кўзимга суртаман зарра тупроғинг.
Муқаддас байроғинг тўйиб ўпаман,
Истиқлол нурлари бўлсин чироғинг.
Гулла, яшна мангу сўлмас баҳорим,
Қутлуғ бўлсин тўйинг, она диёрим.

Босиб ўтган йўлинг асрга тенгдир,
Абадий мустақил муборак қадам,
Кўксинг осмон бағринг янада кенгдир,
Озодлик қўшиғин куйлаб дамба-дам.
Қабул айла халқим, дилда изҳорим,
Қутлуғ бўлсин тўйинг, она диёрим.

Порлоқ иқболингга қилсалар ғараз,
Нурафшон кунингга чанг солса ғаним.
Фарзандингман элим, менга абад фарз,
Сенга фидо қилмоқ бу жону таним.
Ғанимларга мăкон бўлмас гулзорим,
Қутлуғ бўлсин тўйинг, она диёрим.

Ватаним! Бу сўзни айтаман такрор,
Номингни мадҳ айлаб яшайман доим.
Йўлингда кўрмагин ҳеч қачон озор,
Қўлласин ҳамиша сени Худойим.
Ғолиб бўл, ўзингсан номусу орим,
Қутлуғ бўлсин тўйинг, она диёрим.

Ғолибжон АБДУСАЛОМОВ.

ПЕРВЫЙ РОДИНЫ УРОК

Ученики приходят утром в школу –
Не умолкает гомон их веселый.
Пока звонок к уроку не позвал,
Пройдет священный школьный ритуал.
Вот на линейке, словно на уроке,
Которым школа очень дорожит,
Подняли Флаг – он реет на флагштоке,
И Гимн в своем величии звучит!
Здесь торжеству нельзя не восторгаться,
Глядя на лица светлые детей,
Ведь им дано судьбою приобщаться
К делам любимой Родины своей.
Они еще потрудятся немало,
Чтоб в будущем Отчизну прославлять,
Но предстоит для этого сначала
Себя на ниве знаний показать!..
И ученик о том прекрасно знает,
Как путь ни оказался бы далек,
Он в школу никогда не опоздает
На первый утром Родины урок!

Николай БУРТЫШЕВ.

БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Пойтахтимиздаги банк билим юртларидан бирини аъло баҳоларга тамомлаган Гўзал Ҳамидбоева ҳозирда айнан банк соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкасбларининг таъкидлашича, Гўзал ўзига ва ишига талабчан, тиришқоқ, масъулиятли ва намунали ходимдир.

Хушмуомала ва инсонлар билан киришувчан ушбу қиз кишилардаги самимийлик, ростгўйлик ва сермулоҳазалик каби фазилатларни жуда қадрлайди.

Ҳаётда доим олға ва дадил қадам ташлашга одатланган Гўзал чет тилларини ўрганишга, фортепиано чалишга, мумтоз адабиёт намуналарини мутолаа қилишга бениҳоя қизиқади.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

НОВЫЙ ЦЕНТР

В Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами создан Центр переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

Ташкентский государственный педагогический университет является в нашей республике ведущим высшим учебным заведением, которое готовит кадры учителей для системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования. На сегодняшний день в системе среднего специального, профессионального образования трудятся почти девяносто тысяч педагогов и инженеров-педагогов. Созданный центр будет вести свою работу с применением новых методов и технологий переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров именно в данном звене образования. В новом центре, оснащенном современными компьютерами и учебными пособиями, будут функционировать курсы дистанционного обучения по таким направлениям, как информационные технологии, компьютерная грамотность, практическая психология.

Назокат УСМАНОВА,
корр.УзА.

ВАТАН МАДҲИ ҚЎШИҚЛАРДА

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Уйқудаги қиз» шеърий тўпламидан жой олган қуйидаги ижод намунаси қўшиқ сифатида Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров ижросида янграб, кўпчиликнинг дилидан жой олган.

МЕҲР ҚОЛУР

Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўзёши самонинг.
Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша,
Дунёни тор айлаган ўша,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг сулув,
Хумор сенинг кўзларинг сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зуҳро йиғлаб қолди қон бағир.
Келганда ҳам қиёмат охир
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, ғаюр инсон?
Ғийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон
Меҳр қолур, муҳаббат қолур?

В военных лицеях

СЕГОДНЯ ЛИЦЕЙ – ЗАВТРА УЧИЛИЩЕ

Ташкентский военный лицей по праву считается одной из важных отправных точек в жизни будущих офицеров. Ведь именно здесь закладываются основы самой престижной профессии – защитник Родины.

– Не случайно из года в год растет авторитет военно-образовательных учреждений, в том числе и нашего, – рассказывает заместитель директора Ташкентского военного лицея по военно-физической подготовке подполковник Ганишер Иргашев. – Посудите сами, если в прошлые годы на одно место претендовали 2 – 3 человека, то в этом году конкурс удвоился. Так что к нам поступают самые достойные.

Здесь созданы все необходимые условия, чтобы юноши не только продолжали учебу в 10-м – 11-м классах, но и полноценно подготовились к поступлению в высшие военно-образовательные учреждения. А большинство тех, кто учится в Ташкентском военном лицее, являются потенциальными кандидатами в курсанты военных училищ страны. Как правило, здешние выпускники становятся отличными и высокодисциплинированными курсантами. Хорошие отзывы, например, пришли на прошлогодних выпускников, ныне курсантов, Азамата Клиблеева, Чингиза Рахматова, Акобира Рахматуллаева, Акмаля Фазылова, Бехруса Рамзанова и многих других. А выпускник – теперь уже лейтенант Искандер Абдужалилов, окончив ТВОКУ, вернулся к нам в лицей и достойно продолжает службу.

– Я уверен, что традиция лицей – училище у нас крепкая, она никогда не нарушится, – продолжает собеседник. – Тем более, сейчас здесь учатся такие отличники, как Бекзод Аипов, Арслан Есамуратов, Феруз Отамуродов, Улугбек Якубов. А в нынешнем году ряды лицеистов, прошедших «сито» сложных экзаменов, пополнили самые достойные, среди них Сардор Касымов, Эльдар Турдыбаев, Навруз Бозоров, Ойбек Ташматов, Охунжон Абдуллаев.

Хочется надеяться, что все вышеназванные ребята в будущем станут настоящими профессиональными защитниками нашей независимой Родины.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Мустақиллик байрами шодиёналари болалар қувончига қувонч қўшиб келди. Кўча-кўйларда оҳорли мактаб либосларини кийиб, биринчи қўнғироққа чопиб боришаётган болажонлар кўзидаги қувончни кўриб, кайфиятингиз кўтарилади. Уларни соғлом ва бақувват, ақлли ва баркамол кўриш биз мураббийлар учун бахт.

Жажжи болажонларимизнинг эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари йўлида педагогик жамоамиз бор куч-ғайратини сарфлаяпмоқда. Тўғри-да, мурғаклигидан Ватан туйғусини юрагига жо этиб, маънан ва жисмонан соғлом улғайган боланинг келажаги порлоқ бўлади, албатта. Боғчамизда асосан ҳарбийларнинг ўғил-қизлари тарбияланишади, шунинг учунми, улардан келажакда ким бўлишларини сўрасангиз, аскар ёки офицер бўламан, деб қолишади. Биз эса ўз навбатида, уларга аскар бўлиш учун аввало спорт билан шуғулланиш, яхши ўқиш, ота-оналарига қўмаклашиш ва айниқса, Ватанни севиш кераклигини уқтирамиз.

Мустақиллик болаларининг имкониятлари кенг, орзуларининг амалга ошишида зарур шарт-шароитлар етарлича яратилган. Бу жиҳатдан уларга ҳавас қилса арзийди. Қутлуғ байрам қувноқ болажонларимиз учун ғоят завқли келсин. Ота-оналари бағрида бахтли болаликнинг болдек ширин онларини кечиришиб, мусаффо осмонимиз остида бахтиёр ҳаёт кечирсинлар.

Элеонора ЕВДОКИМОВА, тарбиячи.

«НИҲОЛ»НИНГ ДУРКУН НИҲОЛЛАРИ

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ БОИСИ

Мана, кўпчиликнинг, айниқса болажонларнинг севимли фасли – ёз ҳам ортда қолиб, куз қадам ранжида қилди. Бу эса, улар учун ўқув йили бошланиши, китоб-дафтар билан янада ошно тутиниш, доимий ўйин-кулги ва дам олишдан йироқлашган ҳолда билим излаш, дунёқараш ва фикрлаш доирасини кенгайтириш пайти келганлигидан дарақдир. Ҳа, шўх-шодон, қувноқ болажонларимиз дунё тамаддунида ўчмас ва муҳим из қолдирган буюк аждодларимиз маданий мероси, қилган ишларини ўрганишда ва керак бўлса, давом эттиришда собитқадам бўлиш, замонавий илмларни пухта ўзлаштириш ҳамда юртимиз довруғини интеллектуал салоҳиятлари билан ҳам жаҳонга таратиш иштиёқида ёнмоқдалар. Бу иштиёқ, ғайрат ва шижоат уларга ота-боболаридан, меҳнаткаш ва маърифатпарвар, илмсевар ва довюрак халқидан мерос. Айнан шунинг учун давлатимиз раҳбари она Ватан келажаги, нурли истиқболи хусусида гапирганида, жонажон Ўзбекистон келажаги ёшлар, уларнинг қўлида эканлигини такрорлашдан чарчамайди. Юртимизда таълим-тарбия масаласига биринчи даражали вазифалардан, дея алоҳида эътибор берилиши, соҳада изчил ислоҳотларнинг олиб борилаётгани бежиз эмас, албатта.

Масалан, мактаб таълимини олиб қарайлик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янада муваффақиятли ҳаётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этган «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон бу борада қилинган ва қилинажак ишларга замин яратди. Ушбу қонун ҳужжати асосида умумтаълим мактабларида олиб борилаётган янгиланиш, ўзгаришлар, яратилаётган қулайликлардан халқимиз аҳолиси яхши хабардор. Оддий бир мисол. Эндиликда биринчи синфга борувчи жажи ўғил-қизларимиз ўқиш учун зарур барча ўқув қуроллари билан таъминланмоқда. Бу албатта, уларнинг ота-оналари учун қулайлик ва ёрдамдир. Қолаверса, ушбу амалнинг яна бир жиҳати бор. Маълумки, ёш боланинг кўнгли жуда нозик бўлади. Бир қарашдан арзимас нарса унинг руҳиятига, кайфиятига, қолаверса, таълим олишига ҳам ўзига хос салбий таъсир ўтказиши мумкин. Гап нима ҳақида кетаётганини англагандирсиз. Ҳа, мен уларнинг айнан бир хил сифат ва русумдаги жиҳозлар билан таъминланиши ниҳоятда ижобий ҳолатлигини таъкидламоқчиман. Шунингдек, кам таъминланган оилалар учун мактаб томонидан турли кўринишдаги ёрдам кўрсатилиши аҳоли ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларнинг кўринишларидандир.

Юртимизнинг кўпгина таълим масканларида бўлгани сингари мактабларда ҳам янги ўқув йилининг биринчи кунида Мустақиллик дарслари бўлиб ўтади. Қадрдон устозларини соғинган ўқувчилар ўқув йилининг илк дарсини тоза, ораста ва шинам синфларда ўтказадилар. Мудофаа вазирлигига қарашли умумтаълим мактабларида таҳсил олувчилар эса, ўқишни янги мебель ва жиҳозлар билан қарши оладилар. Гап шундаки, вазирлик кўмаги ва бошчилигида мактабларнинг моддий-ўқув базаси такомиллаштирилиб, замонавий ва қулай, сифатли парта, стол, стул, доска, шкафлар, шунингдек, мактаб клуби учун мўлжалланган жиҳозлар, ошхона мебеллари билан таъминландилар. Асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари билим олувчи бундай мактаблардаги шароитларни кўриб, гувоҳи бўлиб қувонасан киши. Назаримда, бундай ажойиб совғадан ҳаммадан ҳам болажонларнинг қувончи чексиз.

Катта лейтенант
Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир даврда болаларнинг ақлий ривожланиш тезлиги ҳам ошиб бориши кузатилмоқда. Натижада таълимнинг умумий доираси ҳам ошаётганлиги, шубҳасиз. Мактабгача ёшдаги болалар билан шуғулланиш тарбиячидан катта маҳорат талаб қилади. Босқичма-босқич боланинг дунёқарашини шакллантириш, унинг онгига маънавий-маърифий мезонларнинг илк куртакларини сингдириш, ўзи танимаган оламга дадил етаклаб кириш биз ўйлаганчалик осон иш эмас.

180 нафар болажонларимизни ўз бағрига олган Мудофаа вазирлигига қарашли «Ниҳол» номли 12-боғчада ана шундай тамойилларга таянган тарбиячи, услубиётчиларимиз талайгина. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб боғчада кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Тарбиячилар томонидан ташкиллаштирилган қўғирчоқ театри расмлар кўрик-танлови ҳам шулар жумласидандир. Тарбиячи-услубиётчилардан Гулсара Муҳаммедова раҳбарлигида рақсга тушиш кўникмасини олган ширинсухан қизалоқ Муниса-нинг хатти-ҳаракатлари кўзингизни қувнатади.

Истиқлол – улуғ неъмат,
Биз бахтиёр ниҳолмиз.
Халққа ҳамиша пайванд,
Энг ёруғ истиқболмиз!

Болажонларнинг бийрон тилда ўқиётган истиқлол мушоираси давомийдир.

Боғчанинг мусиқий раҳбари Елена Фуркало болажонларнинг қайси бири қўшиқ куйлаш, қайси бири рақс тушишга қизиқишини билади. Болалар психологиясини теран англаган ҳолда маҳоратли педагог, тажрибали мудира Муқаддас Аҳмедова раҳбарлигида қизғин фаолият юритаётган услубиётчилар – Элеонора Евдокимова, Елена Арслонова, Наталья Сантакчиева, Юлия Шафигуллина, тарбиячи Гулсара Муҳаммедова, Гўзал Абдусаматовалар болалар қалбига йўл топишда, уларнинг маънан баркамол, жисмонан дуркун ўсишларида билим ва малакаларини етарлича ишга солмоқдалар. Ўз навбатида ўтказилаётган тадбирлар, кўрик-танловларнинг янада жонли ва эсда қоларли ўтишида фаол ота-оналардан Авазхоновлар, Эргашевлар, Милиевлар мунтазам равишда боғчага ҳомийлик кўрсатишади. «Ибн Сино» саломатлик марказидан болажонлар учун уч қути юмшоқ ўйинчоқлар ажратилди. Эндиликда ҳомийларимиз боғча болаларига компьютер ва арғимчоқ совға қилиш ниятидалар. Шунингдек, боғча болаларининг саломатлигини 45-поликлиника шифокорлари доимий назоратга олишган.

Боғча – боланинг иккинчи уйи. У ота-онаси, яқинлари бағрида ўзлаштирган одатларини боғчада янада бойитади. Тарбиячи эса унга дарға бўлиб, бола онгининг ривожланишини узлуксиз бошқариб туради.

«Ниҳол»нинг болалари жонажон шаҳри бўйлаб саёҳатга чиқадилар, Соҳибқирон боболари Амир Темур музейини зиёрат қилишади. Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар болалар завқига завқ қўшмоқда.

– Байрамларни болажонлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, –дейди Муқаддас Обидхоновна. –Уларнинг чуғирлаб шеър ўқишлари, қўшиқ куйлаб рақсга тушишлари билан давралар жўшқин. Ҳар байрамда мазали палов, кўкламда щоҳона таом – сумалак ва турли ширинликлар пиширириш одат тусига кирган. Буларнинг барчасини ошхонамиз маликалари тайёрлашади. Болажонлар учун яқинда фитобар ҳам очдик. Унда улар ўзлари ёқтирган шарбатни ичишади ва бу ичимликларнинг шифобахшлигини ўрганишади.

«Ниҳол»нинг болажонларига ҳавас қилгулик, ҳар бир гуруҳнинг ўз номи ва шунга яраша безаги бор. Тарбиячилар томонидан қилинган жиҳозлаш ишлари моҳирона ташкиллаштирилган. Болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар, саломатлик бурчаги, эртаклар, расмлар жамланган китоблар, миллий бурчаклар, йўл қоидаси ва ҳоказоларни кўриб, болаликка қайтгинг келади. Буларнинг барчасини ташкиллаштиришда боғча маъмурияти ва жонфидо ходимларнинг изланишлари самара берганлигининг гувоҳи бўлдик.

Иш бор жойда силжиш бор. Мазкур боғча битирувчилари таҳсил олаётган 72-мактаб маъмуриятидан келган Ташаккурномалар эса буни исботлаб турибди.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.



Маълумки, яқинда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Буни қарангки, мақоламиз қаҳрамонининг ҳам номи унда қайд этилган бўлиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди, у. Мазкур давлат мукофоти, давлатимиз раҳбариятининг юксак эътирофи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандасини дилхуш ва ўлмас қўшиқлар яратишга янада руҳлантиришига, янги куч ва ғайрат билан ижод қилишга ундашига шубҳа йўқ.

САНЪАТ ОЛАМИ ФИДОЙИСИ

Санъат. У инсонга руҳий куч бағишлайди, маънавий озуқа ва таъсирланиш манбаи бўлади. Ҳаётни янада севишни, сирли олам оғушига саёҳат қилишни ўрганамиз у орқали. Қадимий санъат турларидан бўлмиш қўшиқчиликни олиб қарайлик. Қайси касб ёки соҳа вакили бўлишимиздан, ёш ва жинсимиздан қатъи назар у ёки бу йўналишдаги қўшиқларни тинглаймиз, керак бўлса, хиргойи ҳам қиламиз. Баъзан эса, юракда муҳрланиб қолган куй-наволар садосида чуқур ўйга толамиз. Назаримда, гўзал ва нафис, маромига етказиб куйланган, дилнинг нозик торларини чертувчи қўшиқ ёрдамида ҳаёлот дунёсига ташриф буюришингиз мумкин. Ҳа, қўшиқ сизни олис-олисларга, маънавий гўзаллик чўққилари, руҳингиз енгил тортувчи манзиллар сари чорлайди, етаклайверади...

«Ўзбекистон марши», «Она эл мадҳи», «Ўзбекистон лочинлари», «Эй, она юрт, Туркистон», «Ўзбекистон ҳарбийлари», «Она юрт», «Мангу шарафлар», «Истиқлол», «Ватан меҳр қўрғони», «Байроғинг бошингда ҳилпирар» сингари кўплаб қўшиқлари билан мухлислари кўнглидан муқим жой олган ҳамда уларни янги-янги хонишлари билан бефарқ қолдирмаётган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимовни яхши танийсиз, албатта. Масалан, у ижро этган «Аскарлар байроғи» қўшиғи жорий йилда яратилган бўлиб, Эрназар Оролов матн муаллифи ҳамда куй басталаган ушбу хоним ҳам ишончимиз комилки, сизларга манзур. Кўп йиллар мобайнида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли етакчи хонандаси сифатида фаолият кўрсатаётган айни кунда истеъфодаги майор ўзининг ватанпарварлик, ҳарбийлик, она юртга садоқат ва вафо, Ватан ҳимояси мавзуларидаги ижод намуналари билан нафақат ҳарбийларимиз, балки кенг жамоатчиликнинг меҳрини қозониб келмоқда.

Шунингдек, романс йўналишидаги (маълумот учун: камера мусиқа жанри бўлиб, чолғу жўрлигида яккахон хонанда ижросига мўлжалланган мусиқий-шеърий асар) қўшиқ ишқибозлари орасида ҳам анчайин ном таратган Марат Аҳмед ўғли ҳар йили ўтказадиган яккахон концертларида нафақат зал ўриндиқлари, балки йўлаклар ҳам томошабин билан тўлади. Ахир кўпчилик унинг В.Висоцкий, Б.Окуджава, В.Цой сингари машҳур санъаткорлар репертуаридан жой олган ўлмас наволарининг маромига етказилган ҳолдаги ижросидан баҳраманд бўлишни истайди-да.

Дарвоқе, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ишчи оиласида таваллуд топган, мактаб даврида «Лангар» вокал-чолғу ансамбли аъзоси, кейинчалик Тошкент санъат институтининг талабаси бўлмиш Марат ака ўқиш давриданоқ изланувчан ва тиришқоқлиги боис вокалчилар ўртасида ўтказилган кўплаб танловларда муваффақиятли иштирок этган. 1978 йилги XI Ёшлар ва талабалар халқаро фестивалига бағишлаб ўтказилган созандалар минтақавий кўрик-танловида биринчи даражали мукофот соҳиби бўлган.

Маълумки, халқимизнинг энг улуғ ва азиз байрами – Мустақиллик айёмида ўтказилувчи, миллионлаб телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилувчи тантанали байрам дастуридан ҳарбийча куй-қўшиқлар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Суҳбатдошимиз бўлмиш устоз санъаткорнинг бундай тантанада кўп йиллардан бери иштирок этишидан хабардорсиз. Ҳар йили ўзининг янги қўшиғини тақдим этувчи хонанда, бу сафар ҳам мухлисларига ажойиб совға ҳозирлаган. Ёдингизда бўлса керак, ўтган йили Марат Ҳакимов Диана билан «Оллоҳ битта Ватан берган» дуэтини ижро қилган.

– Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, санъаткор сифатида мен учун халқ хизматида бўлиш, унинг олқишини олиш фахр ва ғурур, фаолиятимга илҳом, куч ва шижоат бағишловчи омиллардандир. Айниқса, Мустақиллик майдонида ўтувчи байрам дастурида иштирок этиш жуда маъқули ва завқли. Бунинг боиси, сиз барча ватандошларингизни табриклай оласиз. Зеро, санъаткорнинг дил сўзлари, ички кечинмалари, табрик ва тилаклари унинг ижодида акс этган бўлади. Мустақиллигимизнинг шонли ўн беш йиллик тўйига эса, янги қўшиқ тайёрладик. Шеър муаллифи Иқбол Мирзо. Куйини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ансамблимиз бадиий раҳбари майор Шуҳрат Дадажонов басталаган. Ўйлайманки, ижодимнинг ушбу намунаси ҳам сизларга маъқул бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай муборак ва улуғ кунда, Мустақиллик байрами халқимиз томонидан кенг нишонланаётган айни дамларда барчага мустаҳкам соғлик, оилавий тинчлик-тотувлик, уйларига қут-барака тилайман. Илоҳим, доим Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Ҳадемай ўзининг эллик йиллик юбилейини нишонловчи тиришқоқ, меҳнаткаш, ажойиб санъаткор, самимий ва дилкаш, очиққўнгил инсон, ишончли ва масъулиятли жамоадош бўлмиш Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Шуҳрат» медали соҳиби истеъфодаги майор Марат Ҳакимов билан учрашувимиз сўнгида унга ижодий парвозлар, халқимиз дилидан жой олувчи қўшиқлар яратишда сўнмас илҳом, муваффақиятлар тиладик.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

АРМИЯМИЗ СПОРТНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

ВАТАННИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Бутун юртнинг алплари бўлмиш Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Артур Григорян, Камол Муродов, Рамзиддин Саидов, Артур Таймазов, Руслан Чагаев, Темур Ибрагимов, Дилшод Маҳмудов, қизлардан – Ирода Тўлаганова, Юлдуз Ҳамроқулова, Оксана Чусаветина, Саида Бурхонхўжаева сингари спорт юлдузлари диёримиз довруғини оламга ёйишмоқда. Улар ҳақида ҳар қанча гапирсанг ҳам, ёзсанг ҳам кам. Шуниси қувонарлики, айни пайтда Ўзбекистон номини кўкларга кўтараётган спорт юлдузлари орасида миллий армиямиз спортчиларининг эришган натижалари ҳам салмоқли. Кейинги пайтда улар янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда. Мақоламизда 2006 йил халқаро ареналарда юқори чўққиларни забт этган армия спорт юлдузларидан айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ПОЛВОН ОТАНИНГ АЛП ЎҒЛИ

Ўтган асрнинг 80-йилларида нафақат Сурхондарё воҳасида, балки республикамизда Ўрол полвонга тенг келадиган рақиб топилмасди. Алплар заминидан чиққан бу полвон кураш бўйича жуда кўплаб мусобақаларда рақибларини доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритарди. Ўшанда Ўрол ака «Агар ўғлим бўлса, у ҳам полвон бўлади», дерди. Орадан икки-уч йил ўтиб, йигит сўзи амалга ошиб, ўғилли бўлди. Шунда ота хурсанд бўлиб, нуридийдасига яхши ният билан Ўткир деб ном қўйди. Йиллар, кунлар ўтиб, полвон ўғли Ўткир йигит бўлиб улғайди. У отаси орзу қилгандек ёшлигидан курашга бўлакча меҳр қўйди. Ўрол ака фарзандини янада чиниқтириб, тажрибасини ошириш мақсадида 14 ёшга киргач, Самарқанд шаҳридаги спорт мактабига олиб борди. Йигит бир қанча чемпионларни тарбиялаган бу мактабда миллий курашимиз билан бир қаторда дзюдо бўйича ҳам маҳоратини ошириб борарди. 1997 йил кўҳна Бухоро дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилигида ўз вазни бўйича бош совринни қўлга киритганидан сўнг устозларининг унга бўлган ишончи янада ортди. 2001 йил Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Индира Ганди хотирасига бағишлаб ўтказилган Халқаро турнирда иштирок этган сурхон ўғлони 81 кг. вазнда Осиёдаги мана ман деган полвонларни бирин-кетин доғда қолдириб, ўзбекнинг ким эканлигини дунёга кўз-кўз қилди. Яна ўша йил Россиянинг Красноярск шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган Евроосиё биринчилигида, Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган Ўткир шоҳсупанинг юқори чўққисидан жой олиб, Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 2002 йил эса Сурияниинг Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида у 90 кг. вазнда яна олтин медаль соҳибига айланди.

– 2004 йилдан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида шартнома асосида хизматимни бошлагач, мен учун янада имкониятлар эшиги очилди, – дейди оддий аскар Ўткир Қурбонов. – Бу ерда курсантларга дзюдо ва кураш сир-синоатида сабоқ бериш баробарида ўз маҳоратимни янада ошириб бораяпман.

Жорий йил июнь ойида Эрон пойтахтидаги «А» серия туркумига кирувчи халқаро турнирда 100 кг. вазнда қатнашиб, 45 мамлакат спортчилари орасидан олтин медалга муносиб топилди. Яқинда Ўткир Хорватияда ҳарбий спортчилар орасида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида терма жамоа шарафини ҳимоя қилиш учун жўнаб кетди.

МАҲОРАТДА ТЕНГСИЗ

Бундай эътирофни енгил атлетика бўйича жаҳонда кучли ўнталикнинг саккизинчи поғонасини банд этиб турган тошкентлик Анастасия Журавлёвага нисбатан ишлатсак бўлади. Ўн ёшидан спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланаётган Анастасия айни пайтда узоқликка сакраш ва уч сакраш бўйича жаҳонда етакчи спортчилардан ҳисобланади.

– Бугун спортда юқори натижаларни қўлга киритишимда биринчи устозим Валентина Лебединская ҳамда ҳозирги мураббийим Валерий Казаковнинг хизматлари катта, – дейди суҳбатдошимиз. – Улар ҳар қандай вазиятда ҳам мени қўллаб-қувватлашади.

Тажрибали спортчи 2004 йилдан буён Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида шартнома асосида хизмат қилиб, армиямиз спортининг ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу йилнинг ўзида у бир қанча йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. 2006 йил (IAAF) халқаро енгил атлетика Федерациясининг Гран При туркумидаги барча турнирларда Анастасиянинг юқори ўринларни забт этиши армиямиз спорти йилдан-йилга ривожланиб бораётганидан далолат. Туркиянинг Истамбул шаҳридаги турнирда 1-ўринни эгаллаган вакилимиз Париж ва Валенциядаги баҳсларда 2-ўринни қўлга киритди. Июль ойида Греция ва Финландияда ўтказилган супер Гран При туркумидаги баҳсларда яна Анастасияга омад кулиб боқди. У иккала йирик мусобақада ҳам шоҳсупанинг юқори поғоналарини банд этиб, ўзи учун муҳим балларни жамғарди. Айни пайтда маҳоратли спортчимиз сентябрь ойида Афинада уюштириладиган жаҳон кубоги баҳсларида Осиё терма жамоаси шарафини ҳимоя қилиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

ЧЕМПИОННИНГ ШОГИРДЛАРИ

Ҳарбий спортчиларимиз орасида қўл жанги усталарининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бунга яқинда капитан Шавкат Болтаев бошчилигидаги спортчиларимизнинг Санкт-Петербург шаҳрида ҳарбийлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида эришилган ютуқларни мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу чемпионатда Шавкат 95 кг.дан ортиқ вазнда рингга чиқди. Ўз маҳоратини намойиш қила олган спортчи олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлиши баробарида ўзбек ҳарбийларининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олган шунқорлардан, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Яқинда бу спортчи офицерга Мудофаа вазири қимматбаҳо совға – рангли телевизор топширди.

– Менга армия кенг имкониятлар эшигини очиб берди, десам хато қилмайман, – дейди капитан Шавкат Болтаев. – Чунки, айнан шу ерда спортга қизиқиб, маҳоратимни тобладим. Дастлаб офицер Руслан Аҳмедов мени қўл жанги спортига қизиқтирганида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган эдим. Ҳозир мендаги истеъдодни шакллантира олган илк мураббийимдан ҳар қанча миннатдор бўлсам арзийди.

Айни пайтда бухоролик йигит ўз шогирдларига қўл жанги спорти сирларидан сабоқ бериятти. Ким билади, бир кун келиб оддий аскарлар Донияр Сотволдиев, Абдулла Ортиқов ҳам устози офицер Болтаев сингари жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлса.

Комилжон ҲАСАНОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Тяжелая атлетика

НА ПЬЕДЕСТАЛЕ – ЛУЧШИЕ

В Чирчике завершился Кубок Узбекистана, где приняли участие более 120 атлетов из всех регионов страны, в том числе и Республики Каракалпакстан. В результате пятидневных соревнований были определены команды, занявшие призовые места: 1-е место – Ташкентская область, 2-е место – Навоийская область, 3-е место – Ферганская область.

В личном зачете победителями в своих весовых категориях стали Руслан Макаров, Бахром Мелибоев, Шерзод Юсупов, Мансур Чашимов, Олег Айборов, Александр Уринов, Андрей Мартемьянов.

Теперь лучшим из лучших предстоит выступить на чемпионате мира в Доминиканской Республике и Азиатских играх в Катаре.

Ушу

УЗБЕКИСТАНЦЫ – СРЕДИ СИЛЬНЕЙШИХ

Впервые наши соотечественники приняли участие на первенстве мира среди юниоров, где награды оспаривали представители 42 стран мира. И выступили очень удачно – два наших земляка завоевали 4-е место и вошли в восьмерку сильнейших мира.

Нужно заметить, что Руслану Эргашеву и Ерлану Мейрбекову в этом году только исполнилось 15 лет, а их соперникам – 17. Это говорит о том, что у наших спортсменов большая перспектива, то есть минимум еще 3 года они имеют право участвовать на юниорских мировых чемпионатах. А главное – соперники из КНР, Малайзии и Вьетнама уже в следующем году уйдут во «взрослую» компанию.

Значит, еще 3 года узбекистанцы будут основными претендентами на главные призы мировых первенств среди юниоров.

Самбо

НАСТРОЕНЫ НА ПОБЕДУ

Сегодня юношеская, женская и взрослая сборные команды выехали в Бишкек (Кыргызстан) на чемпионат и первенство Азии.

– В составе наших сборных команд известные мастера ковра, – говорит старший тренер сборной Узбекистана Равшан Ахмеджанов, – победители чемпионатов и первенств мира, заслуженные мастера спорта Акобир Курбанов, Озод Пардаев, Зафар Расулов, Дильмурод Мавлянов, Кадыр Султанов, Баходыр Гулямов. Команду «слабого пола» представляют мастера спорта международного класса Улдана Касымова, Дильноза Камбарова, Наргиза Эшметова. Так что без медалей не вернемся.

Все спортсмены настроены только на победу. Тем более что соревнования проходят в год 15-летия независимости нашей Родины. Уверенность в успешном выступлении наших самбистов выразили и Президент федерации самбо Узбекистана Фазлиддин Пулатов и судья международной категории Фахриддин Пулатов, выезжающие вместе с командой.

Бокс

ПЕРЕД АЗИАДОЙ-2006

На спортивной базе «Янгиабад» у наших боксеров завершились очередные учебно-тренировочные сборы перед Азиатскими играми. По мнению главного тренера сборной Шарафа Худайбердыева, физическое состояние у спортсменов отличное. Он уверен, что перед началом Азиатских игр наши мастера кожаной перчатки Дильшод Махмудов, Тулямбой Данияров, Орзилбек Шаимов, Уткирбек Хайдаров, Бекзод Хидиров, Шерзод Абдурахманов будут в пике спортивной формы.

Это значит, что узбекистанские боксеры с Азиатских игр наверняка вернутся с медалями различных достоинств.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. САФАРОВ, А. КАМАЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2767. **Адади** 24300.